

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАЎБАР КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА  
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ ТАШКИЛ  
ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ-МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ  
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

**“ГЕОДЕЗИЯ, КАРТОГРАФИЯ ВА КАДАСТР ФАНЛАРИНИ  
ЎҚИТИШДА ИННОВАЦИЯЛАР” МОДУЛИ БЎЙИЧА  
ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА**

**Тузувчи: доц. А.Эгамбердиев**

Тошкент 2014

## МУНДАРИЖА

ИШЧИ ЎҚУВ ДАСТУРИ.....	3
ТАҚВИМ МАВЗУИЙ РЕЖА.....	7
ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ.....	8
МАЪРУЗА МАТНИ.....	27
ТЕСТ САВОЛЛАРИ .....	58
НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ .....	64
МАЛАКАВИЙ ИШ МАВЗУЛАРИ .....	66
МУСТАҚИЛ ИШ МАВЗУЛАРИ.....	67
ГЛОССАРИЙ.....	68
ДИДАКТИК ВА ТАРҚАТМА МАТЕРИАЛЛАР .....	73
АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ .....	83

## ИШЧИ ЎҚУВ ДАСТУРИ

### Модулнинг мақсад ва вазифалари.

**Модулнинг мақсади:** Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларини малака ошириш ва қайта тайёрлаш жараёнида тингловчиларни педагогик инновацияларнинг назарий асослари билан таништириш, замонавий таълим воситаларидан мутахассислик фанини ўқитишда фойдаланишнинг шарт-шароитлари, ўқитувчининг инновацион фаолияти асослари, шакли, методлари ҳақида маълумот бериш.

**“Геодезия, картография ва кадастр фанларни ўқитишда инновациялар” модулининг вазифалари:**

- Олий таълим муассасаси ўқитувчисининг инновацион фаолиятини ривожлантириш;
- педагогик жараёнга инновацион технологияларни тadbик этиш;
- таълим жараёнига инновацияларни тadbик этишнинг самарали шакл ва методларинилари ишлаб чиқиш;
- ўқитувчининг инновацион фаолиятидаги имкониятларини очиб бериш;
- ўқитувчи фаолиятига аксиологик, акмеологик, креатив ва рефлексив ёндашувларни ривожлантириш.

### Модулни ўзлаштиришга қўйиладиган талаблар.

Модул бўйича педагог қуйидаги билим, кўникма ва малакаларга эга бўлиши керак:

Инновацион таълим, мутахассислик фанлари ўқитувчисининг инновацион фаолияти, турлари, инновацион салоҳиятни ривожлантириш долзарб муаммо эканлиги ҳақидаги **билимларга** эга бўлиши.

Мутахассислик фанини ўқитиш жараёнига инновацион технологияларни тadbик эта олиш, касбий вазифаларни самарали амалга ошириш учун зарур бўлган аксиологик, акмеологик, креатив ва рефлексив ёндашувни тadbик этиш **кўникма ва малакаларига** эга бўлиши.

**“Геодезия, картография ва кадастр фанларини ўқитишда инновациялар” модулининг ўқув режадаги бошқа фанлар билан боғлиқлиги ва узвийлиги**

Модул мазмуни ўқув режадаги “Таълим-тарбия жараёнларини ташкил этиш ва бошқаришнинг меъёрий-ҳуқуқий асослари”, “Олий таълим педагогикаси ва психологияси”, “Педагогиканинг долзарб масалалари ва замонавий концепцияси”, “Педагогик фанларнинг дидактик

таъминоти”, шунингдек, “Картографиянинг асосий назарий ва амалий масалалари”, “Геодезиянинг асосий назарий ва амалий масалалари” ўқув модуллари билан узвий боғланган ҳолда мутахассислик фанларини ўқитишда инновацияларни шакллантириш, кенгайтириш ва касбий педагогик тайёргарлик даражасини орттиришга хизмат қилади.

### **“Геодезия, картография ва кадастр фанларини ўқитишда инновациялар” модулининг олий таълимдаги ўрни**

Модул педагогик фанларни ўқитишда инновацион технологияларни яратиш ва улардан таълим тизимида фойдаланиш орқали таълимни самарали ташкил этишга ва сифатини тизимли орттиришга ёрдам беради.

### **Модул бўйича соатлар тақсимооти:**

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкلامаси, соат					Мустақил таълим
		Ҳаммаси	Аудитория ўқувюкلامаси				
			Жумладан:				
			Жами	Назарий	Амалий машғулот	Кўчма машғулот	
1	Олий таълим муассасасида мутахассислик фанлари ўқитувчисининг инновацион салоҳиятини ривожлантириш долзарб муаммо сифатида	2	2	2			
2	Педагогик фаолиятга инновацияларни тадбиқ этишнинг самарали шакллари	4	4		4		2
<b>Жами:</b>		<b>8</b>	<b>6</b>	<b>2</b>	<b>4</b>		<b>2</b>

### **НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТ МАЗМУНИ**

#### **Мавзу. Олий таълим муассасасида мутахассислик фанлари ўқитувчисининг инновацион салоҳиятини ривожлантириш долзарб муаммо сифатида**

#### **Режа:**

1. Олий таълим муассасаси мутахассислик фанлари ўқитувчиси шахсига қўйилаётган замонавий талаблар.
2. Инновацион фаолият тузилмаси.
3. Педагогик жараёнда инновация.

4. Мутахассислик фанлари ўқитувчисининг инновацион фаолияти

#### АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАЗМУНИ

**Мавзу. Педагогик фаолиятга инновацияларни тадбиқ этишнинг самарали шакллари.**

**Режа:**

1. Таълимни ташкил этишда замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиш.
2. Педагогик жараёнда ўқитувчи фаолиятига инновацион ёндашувлар.
3. Ўқитувчининг инновацион фаолияти хусусиятлари.
4. Ўқитувчи фаолиятига аксиологик, акмеологик, креатив ва рефлексив ёндашувлар

#### МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАЗМУНИ

Тингловчилар мустақил ишни тақдимот (танланган мавзу асосида) шаклида, мутахассислик фани бўйича ўқув-дидактик материаллар тайёрлайди.

Мустақил иш мазмуни танланган мавзуга мос бўлиб уни бажаришда куйидагиларга эътибор берилади:

Мазмуни

- Тавсия қилинган адабиётларни мутоала қилиш;
- Мутахассислик фанларида инновациялардан фойдаланиш;
- Мультимедиа дарсликларини яратиш меъзонлари;
- Талаба билан индивидуал ишлашда педагогик маҳорат;
- Касбий педагогика муаммолари;
- Интернетда мавзуга оид маълумотларни излаш ва мутоала қилиш;
- Малака ошириш курси давомида мустақил дарс олиб бориш;
- Дарсинг маърузаси, тарқатма материаллари, технологик харитасини тайёрлаш.

#### АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008. -176 б.

2. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. –Т.: Ўзбекистон, 2011. -440 б.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16-февралдаги “Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларни малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 25-сонли қарори.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилиш чора-тадбирлари тўғрисидаги” ПҚ-1533-сон қарори.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли қарори.

6. Арипов М. Интернет ва электрон почта асослари. -Т.: 2000. -218 б.

7. Азизходжаева Н.Н. Педагогик технология ва педагогик маҳорат. – Т.: Чўлпон, 2005. -213 б.

8. Исянов Р.Г. Олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларини малакасини ошириш технологиялари. –Т.: Фан, 2011. -189 б.

9. Ишмухаммедов Р.Ж. Инновацион технологиялар ёрдамида ўқитиш самарадорлигини ошириш йўллари. –Т.: 2000. -161 б.

10 Толипов Ў., Усмонбоева М. Педагогик технологияларнинг тадбиқий асослари. –Т.: 2006.

10. Зайнутдинов А., Абдуназаров Ў. География ўқитиш методикаси. Ўқув-методик мажмуа. ЎЗМУ нашриёти. –Т.: 2014.

### **Кўшимча адабиётлар**

1. Берлянт А.М. Картография. - М., Аспект-Пресс, 2002.

2. Мирзалиев Т., Сафаров Э.Ю., Эгамбердиев А., Қорабаев Ж.С. Картшунослик. - Тошкент., Чўлпон, 2012.

3. Мирзалиев Т. Проблемы комплексного и тематического картографирования Узбекистана. – Тошкент., Фан, 1987.

4. Мирзалиев Т., Мухитдинов Ш., Базарбаев Л. Атласное картографирование в Узбекистане. - Тошкент., Фан, 1990.

### **Интернет маълумотларн:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Матбуот маркази сайти: [www.press-service.uz](http://www.press-service.uz)

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат Ҳокимияти портали: [www.gov.uz](http://www.gov.uz)

3. Axborot-kommunikatsiya texnologiyalari izohli lug'ati, 2004, UNDP DDI: Programme [www.lugat.uz](http://www.lugat.uz), [www.glossaiy.uz](http://www.glossaiy.uz)

4. Ўзбек интернет ресурсларининг каталоги: [www.uz](http://www.uz)

5. Infocom.uz электрон журнали: [www.infocom.uz](http://www.infocom.uz)

6. [www.Ziyonet.uz](http://www.Ziyonet.uz)

7. [www.edu.uz](http://www.edu.uz)

**ТАҚВИМ МАВЗУИЙ РЕЖА**

<b>Ўқитувчининг Ф.И.Ш</b>	<b>А.Эгамбердиев</b>		
<b>Модул номи:</b>	<b>Геодезия, картография ва кадастр фанларини ўқитишда инновациялар</b>		
<b>Ажратилган вақт: 8 соат</b>			
<b>Модул бирликлари</b>	<b>Машғулот тури</b>	<b>Ажратилган соат</b>	<b>Ўтказилиш муддати</b>
Олий таълим муассасасида мутахассислик фанлари ўқитувчисининг инновацион салоҳиятини ривожлантириш долзарб муаммо сифатида.	Назарий	2 соат	Ойнинг 1-ҳафтаси
Педагогик фаолиятга инновацияларни тадбиқ этишнинг самарали шакллари.	Амалий Мустақил	4 соат 2 соат	Ойнинг 2-3-4 ҳафтаси
<b>Жами:</b>		<b>8 соат</b>	

**ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ****Мавзу: Олий таълим муассасасида мутахассислик фанлари ўқитувчисининг инновацион салоҳиятини ривожлантириш долзарб муаммо сифатида****Маъруза машғулотининг таълим технологияси модели**

<b>Вақти</b> - 2 соат	<b>Тингловчилар сони</b> 15- 25 нафар
<b>Ўқув машғулотининг шакли</b>	Ахборот визуал маъруза
<b>Маъруза машғулотининг режаси</b>	<ol style="list-style-type: none"> <li>1. Олий таълим муассасаси мутахассислик фанлари ўқитувчиси шахсига қўйилаётган замонавий талаблар.</li> <li>2. Инновацион фаолият тузилмаси.</li> <li>3. Педагогик жараёнда инновация.</li> <li>4. “Геодезия, картография ва кадастр” мутахассислик фанлари ўқитувчининг инновацион фаолияти</li> </ol>
<b>Ўқув машғулотининг мақсади:</b> тингловчиларга таълимдаги инновациялар, уларнинг ўзига хос кўринишлари ҳақида маълумот бериш орқали уларда касбий фаолиятга нисбатан инновацион ёндашув мотивациясини шакллантириш.	
<p><b>Педагогик вазифалар:</b></p> <ol style="list-style-type: none"> <li>1. Олий таълим муассасаси мутахассислик фанлари ўқитувчиси шахсига қўйилаётган замонавий талаблар ҳақида маълумотлар бериш.</li> <li>2. Инновацион фаолият тузилмаси билан таништириш.</li> <li>3. Педагогик жараёнга инновацияларни жорий этишнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида тушунча бериш..</li> <li>4. “Геодезия, картография ва кадастр” мутахассислик фанлари ўқитувчининг инновацион фаолиятини белгиловчи меъёрларни тавсифлаш.</li> </ol>	<p><b>Ўқув фаолиятининг натижалари:</b></p> <ol style="list-style-type: none"> <li>1. Олий таълим муассасаси мутахассислик фанлари ўқитувчиси шахсига қўйилаётган замонавий талаблар ҳақидаги маълумотларга эга бўладилар.</li> <li>2. Инновацион фаолият тузилмаси билан танишадилар.</li> <li>3. Педагогик жараёнга инновацияларни жорий этиш хусусиятлари ҳақида тушунчага эга бўладилар.</li> <li>4. “Геодезия, картография ва кадастр” мутахассислик фанлари ўқитувчининг инновацион фаолиятини белгиловчи меъёрлар билан танишади ва уларни тавсифлайдилар.</li> </ol>
<b>Ўқитиш усуллари</b>	Ахборот маъруза , “Мунозара” методи,
<b>Ўқитиш воситалари</b>	Маърузалар матни, проектор, плакатлар, доска, бўр, тарқатмалар.
<b>Ўқитиш шакли</b>	Жамоа, гуруҳ бўлиб ишлаш.
<b>Ўқитиш шарт-шароити</b>	Жихозланган аудитория.
<b>Баҳолаш ва мониторинг</b>	Оғзаки сўров



**Маъруза машғулотининг технологик харитаси**

<b>Босқичлар, вақти</b>	<b>Фаолият мазмуни</b>	
	<b>Ўқитувчи</b>	<b>Тингловчи</b>
1-босқич. Тайёргарлик босқичи	<p>1.1. Мавзу бўйича машғулот мазмунини тайёрлайди.</p> <p>1.2. Ахборот визуал маъруза учун такдимот слайдларини тайёрлайди.</p> <p>1.3. Ўқув модулини ўргатишда фойдаланиладиган адабиётлар рўйхатини тайёрлайди.</p>	
2-босқич Кириш (15 дақиқа)	<p>2.1. Ўқув модулининг номини эълон қилади, мақсад ва кутилаётган натижалар билан таништиради (1-илова).</p> <p>2.2. Гуруҳга мавзуга оид саволлар билан мурожаат қилади (2-илова).</p>	<p>2.1. Тинглайдилар, ёзиб оладилар.</p> <p>2.2. Саволларга жавоб берадилар.</p>
3- босқич. Асосий (55 дақиқа)	<p>3.1. Мавзуга оид маълумотларни кўргазмали тарзда намоиш этиш йўли билан баён этади (3-илова).</p> <p>3.2. “Мутахассислик фанларини ўқитишга инновацион ёндашув” мавзусини мунозара мавзуси сифатида гуруҳ муҳокамасига такдим этади (4-илова).</p> <p>3.3. Мунозара жараёнида берилган фикрларни умумлаштиради, муаммога тегишли бўлган маълумотларга аниқлик киритади, асослайди.</p> <p>3.4. Тингловчилар томонидан берилган саволларга жавоб беради.</p> <p>3.5. Мавзу бўйича якуний хулосани беради</p>	<p>3.1. Тинглайдилар, тамоша қиладилар ва ёзиб оладилар.</p> <p>3.2. Ўз фикр мулоҳазалари билан мунозарада иштирок этадилар. Ўзгалар фикрларини тинглайдилар, ўз фикрларини ҳимоя қиладилар.</p> <p>3.3. Муаммога тегишли маълумотларни атрофлича ўрганадилар. Янги маълумотлар билан танишадилар.</p> <p>3.4. Мавзуга оид саволлар берадилар ва жавобларни тинглаб, билимларини мустаҳкамлайдилар.</p> <p>3.5. Тинглайдилар, хулоса чиқарадилар.</p>
4- босқич. Якуний (10 дақиқа)	<p>4.1. Тингловчилар фаолиятини баҳолайди. Машғулотни якунлайди</p> <p>4.2. Топшириқлар беради.</p>	<p>4.1. Тинглайдилар. Савол берадилар.</p> <p>4.2. Топшириқларни оладилар.</p>

1-илова

**МАВЗУ:** Олий таълим муассасасида мутахассислик фанлари ўқитувчисининг инновацион салоҳиятини ривожлантириш долзарб муаммо сифатида.

**МАҚСАД:** *Тингловчиларга таълимдаги инновациялар, уларнинг ўзига хос кўринишлари ҳақида маълумот бериш орқали уларда касбий фаолиятга нисбатан инновацион ёндошув мотивациясини шакллантириш.*

**РЕЖА:**

1. *Олий таълим муассасаси мутахассислик фанлари ўқитувчиси шахсига қўйилаётган замонавий талаблар.*
2. *Инновацион фаолият тузилмаси.*
3. *Педагогик жараёнда инновация.*
4. *“Геодезия, картография ва кадастр” мутахассислик фанлари ўқитувчининг инновацион фаолияти*

2-илова

### МАВЗУГА ОИД САВОЛЛАР

**Замонавий ўқитувчи шахсига қўйилаётган талаблар ҳақида фикр-мулоҳаза билдириш.**

**Педагогик технология деганда нимани тушунасиз?**

**Таълимга инновацион ёндашув деганда нимани тушунасиз?**

**Сизнингча ўқитувчининг инновацион салоҳияти нималар билан белгиланади?**

3-илова

**ВИЗУАЛ МАТЕРИАЛЛАР**

1-слайд

**ЯНГИЛАНИШНИ, ЎЗГАРИШНИ АМАЛГА  
ЖОРИЙ ЭТИШ ЖАРАЁНИ ВА ФАОЛИЯТИ  
(ИНГЛИЗ ТИЛИДАН ОЛИНГАН –  
КИРИТИЛГАН ЯНГИЛИК, ИХТИРО).**

**ПЕДАГОГИК ЯНГИЛИКЛАР, УЛАРНИ  
БАҲОЛАШ ВА ПЕДАГОГИК ЖАМОА  
ТОМОНИДАН ЎЗЛАШТИРИШ ҲАМДА УНИ  
АМАЛИЁТГА ҚЎЛЛАШ ҲАҚИДАГИ  
ТАЪЛИМОТ.**

2-слайд

**ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТ**

*бу амалиёт ва назариянинг муҳим қисми бўлиб,  
ижтимоий-маданий объект сифатларини  
яхшилашга қаратилган ижтимоий  
субъектларнинг ҳаракат тизими, у маълум  
доирадаги муаммоларни ечиш учун мотивацион  
тайёргарликка эга бўлишдир. Ўқитувчи  
инновацион фаолиятининг марказий масаласи  
ўқув жараёнини самарали ташкил этишдир.*

**Таълим-тарбия жараёнига янгича ёндашув асосида унинг такомиллашишига ва самарадорлигига эришишдир.**

***Инновацион таълим:***

- 1. Таълим-тарбияда янгича сифат кўрсаткичига эришиш.***
- 2. Юқори самарадорликни қўлга киритиш.***
- 3. Ижодкорликка йўналтириш ҳамда таълим технологияларини янги босқичга кўтариш.***
- 4. Таълим-тарбияга янгича ёндашувни таъминлайди.***

### **ИННОВАЦИОН САЛОҲИЯТ**

***алоҳида педагогнинг ва яхлитликда педагогик жамоанинг янгиликни ўзлаштиришига тайёрлиги, улардан амалиётда фойдалана олиши ва кутилган натижаларни қўлга кирита олиши тушунилади.***

### ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТНИНГ АСОСИЙ БЕЛГИЛАРИ

Инновацион фаолият узлуксиз равишда янгиликлар асосида ишлаш бўлиб, у узок вақт давомида шаклланади ва такомиллашиб боради. Ўқитувчи инновацион фаолиятининг хусусиятларини ўрганиб чиққан педагог олимлар фикрларига таянган ҳолда, қуйидагиларни инновацион фаолиятнинг асосий белгилари деб ҳисоблаш мумкин:

- *ижодий фаолият фалсафасини эгаллашга интилиш;*
- *педагогик тадқиқот методларини эгаллаш;*
- *муаллифлик концепцияларини яратиш қобилияти;*
- *тажриба-синов ишларини режаслаштириш ва амалга ошира олиш;*
- *ўзидан бошқа тадқиқотчи-педагоглар тажрибаларини қўллай олиш;*
- *ҳамкасблар билан ҳамкорлик;*
- *фикр алмашиш ва методик ёрдам кўрсата олишлик;*
- *зиддиятларнинг олдини олиш ва бартараф этиш;*
- *янгиликларни излаб топиш ва уларни ўз шароитига мослаштириб бориш.*

**ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТГА  
ТАЙЁРЛИГИ ҚУЙИДАГИЛАРДА КЎРИНАДИ**

**ностандарт вазиятларни таҳлил этиб, тезкор  
хулосалар чиқара билишида.**

**ўқув-тадқиқот жараёни билан боғлиқ  
масалаларни ечиш усуллари эгаллаганлигида.**

**муаммоларни ҳал этишнинг мақбул восита ва  
усулларини излаб топиш, кузатиш ва тажриба  
натижаларини тизимлаштиришда.**


**ўз устида мустақил ишлашни режалаштира  
олишида.**

**ўз иши натижасини назорат ва таҳлил қила  
олишида.**

**янги ахборот технологияларидан фойдаланиш  
малакасининг мавжудлигида.**

**янги ғояларни излаб топа олиши, педагогик  
масалаларни алгоритмлаштириш малакасига  
эгаллигида.**

7-слайд



8-слайд

**ИННОВАЦИОН ЖАРАЁНИ КЕЧИШИНИНГ  
ҚОНУНИЯТЛАРИ**

1. АЎВСИЗ БЕМАРОМЛИК ҚОНУНИ.
2. АМАЛГА ОШИРИШ ҚОНУНИ
3. ҚОЛИПЛАШТИРИШ ЁКИ СТЕРЕОТИПЛАШТИРИШ ҚОНУНИ.
4. ПЕДАГОГИК ИННОВАЦИЯНИНГ ДАВРИЙ ТАКРОРЛАНИШИ ВА ҚАЙТИШИ ҚОНУНИ

*Аёвсиз бемаромлик қонунида педагогик жараён ва ҳодисалар тўғрисидаги яхлит тасаввурлар бузилади, педагогик онг бўлинади, педагогик янгилик баҳоланади ва у янгиликнинг аҳамияти ва қимматини кенг ёритади.*

*Ниҳоят амалга ошириш қонуни янгиликнинг ҳаётийлиги бўлиб, у эрта ё кеч, стихияли ёки онгли равишда амалга ошади.*

*Қолиплаштириш ёки стереотиплаштириш қонуни унда педагогик инновация фикрлашни бир қолипга тушириш ва амалий ҳаракатга ўтиш тенденциясига эга бўлади. Бунда педагогик қолип қолоқликка, бошқа янгиликларни амалга ошириш йўлига тўсиқ бўлишга мажбур бўлади.*

*Педагогик инновациянинг даврий такрорланиши ва қайтиши қонунининг моҳияти шундаки, унда янгилик янги шароитларда қайта тикланади.*



**“МУНОЗАРА” МЕТОДИ**

Таълим олувчиларга муайян муаммо бўйича тўлиқ ахборотлар етказилади, мунозара учун танланган мавзу юзасидан таълим олувчилар ўз фикрларини илгари сурадилар ва пировард натижада муаммога тегишли маълумотларни атрофлича ўрганадилар.

**МУНОЗАРА УЧУН  
ТАНЛАНГАН МАВЗУ  
МУТАХАССИСЛИК  
ФАНЛАРИНИ ЎҚИТИШГА  
ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВ**

## АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ ЎТКАЗИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

## Мавзу: Педагогик фаолиятга инновацияларни тадбиқ этишнинг самарали шакллари

Вақти - 4 соат	Тингловчилар сони 15- 25 нафар
Ўқув машғулотининг шакли	Амалий машғулот
Машғулотининг режаси	<ol style="list-style-type: none"> <li>1. Таълимни ташкил этишда замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиш.</li> <li>2. Педагогик жараёнда ўқитувчи фаолиятига инновацион ёндашувлар.</li> <li>3. Ўқитувчининг инновацион фаолияти хусусиятлари.</li> <li>4. Ўқитувчи фаолиятига аксиологик, акмеологик, креатив ва рефлексив ёндашувлар.</li> </ol>
Ўқув машғулотининг мақсади “Геодезия, картография ва кадастр” фанларини ўқитишда инновацияларнинг самарали шаклларида фойдаланиш кўникмаларини такомиллаштириш.	
<p><i>Педагогик вазифалар:</i></p> <ol style="list-style-type: none"> <li>1. Таълимни ташкил этишда замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиш жараёнлари моҳиятини тўғри баҳолашга ўргатиш.</li> <li>2. Таълимда ўқитувчи шахсига қўйилаётган замонавий талаблар асосида фаолиятни ташкил этишга ўргатиш.</li> <li>3. Инновацион фаолият, мутахассислик фани ўқитувчисининг инновацион фаолияти тузилмаси ҳақида амалий кўникмалар ҳосил қилиш;</li> <li>4. Ноанъанавий таълимнинг ўзига хос хусусиятларини қиёсий таҳлил қилиш.</li> </ol>	<p><i>Ўқув фаолиятининг натижалари:</i></p> <ol style="list-style-type: none"> <li>1. Таълимни ташкил этишда замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиш тўғрисидаги мавжуд билимларини умумлаштиради, мустаҳкамлайди;</li> <li>2. Таълимда ўқитувчи шахсига қўйилаётган замонавий талаблар асосида ўз фаолиятини ташкил эта олади.</li> <li>3. Ўқитувчининг инновацион фаолияти тузилмаси борасидаги назарий билимларини амалий асослайди</li> <li>4. Ўз мутахассислигида ноанъанавий методлардан фойдаланиш кўникмасига эга бўлади</li> </ol>
Ўқитиш усуллари	амалий, кўргазмали ва «Т-схема» методлари
Ўқитиш воситалари	ишланмалар, тарқатма материаллар, электрон ишланмалар, магнит доска, А-3 форматдаги қоғозлар, маркерлар
Ўқитиш шакли	Жамоа ва гуруҳли.
Ўқитиш шарт-шароити	Ахборот коммуникацион технологиялари билан жиҳозланган аудитория.
Баҳолаш ва мониторинг	кузатиш, ўз-ўзини назорат қилиш, қиёсий таҳлил, оғзаки сўров, рағбатлантириш.

**Амалий машғулотининг технологик харитаси**

Босқичлар, вақти	Фаолият мазмуни	
	Ўқитувчи	Тингловчи
1-босқич. Тайёргарлик босқичи	<p>1.1. Мавзу бўйича машғулот мазмунини тайёрлайди.</p> <p>1.2. Амалий машғулотлар бажариш учун топшириқлар тайёрлайди.</p> <p>1.3. Ўқув модулини ўргатишда фойдаланиладиган адабиётлар рўйхатини тайёрлайди.</p>	
2-босқич Кириш (15)	<p>2.1. Ўқув модулининг номини эълон қилади, мақсад ва кутилаётган натижалар билан таништиради. (1-илова).</p> <p>2.2. Тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати билан таништиради. (2-илова)</p> <p>2.2. Тингловчиларни тарқатмалар ёрдамида кичик гуруҳларга бўлади. (3-илова)</p>	<p>2.1. Тинглайдилар, ёзиб оладилар.</p> <p>2.2. Ёзиб оладилар.</p> <p>2.3. Кичик гуруҳларга бўлинадилар.</p>
3- босқич. Асосий (155 мин)	<p>3.1. «Т-схема» методи асосида: (4-илова)</p> <p>- Ўқув - тарбия жараёнига инновацияларни киритиш;</p> <p>- Ўқитувчи фаолиятига инновацияни татбиқ этиш;</p> <p>- Ноанъанавий дарсларнинг ўзига хос хусусиятлари йўналишларида тайёрланган тарқатмаларни гуруҳларга беради ва топшириқни тушунтиради.</p> <p>3.2. Тингловчиларнинг «Т-схема» асосида тайёрлаган ижодий иш тақдимотлари намойишини ташкил этади, билдирилган фикр-мулоҳазаларни навбати билан тинглайди ва уларни умумлаштиради.</p> <p>3.3. Тақдимотдан сўнг тингловчиларга «Т-схема» методидан мутахассислик дарсларда фойдаланиш методикасини тушунтиради, ва ўз мутахассислигига мослаштириш вазифасини топширади.</p> <p>3.4. Кичик гуруҳлар томонидан тайёрланган ижодий ишланмалар намойишини ташкил этади ва фаол гуруҳларни рағбатлантиради</p>	<p>3.1. Тинглайди, ёзиб олади.</p> <p>Тинглайди, кичик гуруҳларда ишлайди, ўз муносабатини ёзма тарзда билдиради.</p> <p>3.2. Тақдимот ўтказди, фикрларини асаслаб беради, муҳокамада иштирок этади.</p> <p>3.3. Тинглайди, тасаввурларини аниқлаштиради, кичик гуруҳларда ижодий иш тайёрлайди.</p> <p>3.4. Тақдимот ўтказди, тингалайди, мулоҳаза билдиради.</p>
4- босқич. Яқуний (10 мин.)	<p>4.1. Тингловчилар фаолиятини баҳолайди. Машғулотни яқунлайди.</p> <p>4.2. Мустақил таълим учун «Т-схема» методи асосида ўз мутахассислигидан ихтёрий мавзуда машғулот ишланмасини тайёрлаб келишни топширади ва зарурий кўрсатмаларни беради.</p>	<p>4.1. Тинглайдилар. Савол берадилар.</p> <p>4.2. Топшириқларни оладилар.</p>

1-илова

**МАВЗУ:** Педагогик фаолиятга инновацияларни тадбиқ этишнинг самарали шакллари

**МАҚСАД:** “Геодезия, картография ва кадастр” фанларини ўқитишда инновацияларнинг самарали шаклларида фойдаланиш кўникмаларини такомиллаштириш.

**РЕЖА:**

1. Таълимни ташкил этишда замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиш.
2. Педагогик жараёнда ўқитувчи фаолиятига инновацион ёндашувлар.
3. Ўқитувчининг инновацион фаолияти хусусиятлари.
4. Ўқитувчи фаолиятига аксиологик, акмеологик, креатив ва рефлексив ёндашувлар

2-илова

**Фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати**

1. *Исянов Р.Г. Олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларини малакасини ошириш технологиялари. Т.: Фан. 2011 й. 189 б.*
2. *Ишмухаммедов Р.Ж. “Инновацион технологиялар ёрдамида ўқитиш самарадорлигини ошириш йўллари”. Тошкент: 2000й. 161 б.*

### КИЧИК ГУРУҲЛАРДА ИШЛАШ ТАРТИБИ

Шеригингизни диққат билан тингланг.

Гуруҳ ишларида ўзаро фаол иштирок этинг, берилган топшириқларга масъулият билан ёндашинг.

Агар ёрдам керак бўлса, албатта муурожаат қилинг.

Агар сиздан ёрдам сўрашса, албатта ёрдам беринг.

Гуруҳлар фаолиятининг натижаларини баҳолашда ҳамма иштирок этиши шарт.

Аниқ тушунмоғимиз лозим:

- Бошқаларга ўргатиш орқали ўзимиз ўрганамиз!
- Биз битта кемадамиз: ёки биргаликда сузиб чиқамиз, ёки биргаликда чўкиб кетамиз.

### ГУРУҲЛАР УЧУН ТОПШИРИҚЛАР

Ўқув - тарбия жараёнига инновацияларни киритиш.

Ўқитувчи фаолиятига инновацияни татбиқ этиш.

Ноанъанавий дарсларнинг ўзига хос хусусиятлари.

**“Т - ЖАДВАЛИ”**

**Методнинг мақсади:** Мазкур метод бирор тушунча, ёки мавзу бўйича ўрганилган ахборотлар тизимини қиёсий таҳлил этиш, солиштириш, мустақил муносабатни шакллантиришга имконият яратиш мақсадида қўлланилади.

**Бунда таълим олувчи шахсидаги:**

- Мустақил ва ижодий фикрлаш;
- Ахборотлар тизимини таҳлил этиш;
- Ўз позициясида қатъий туриш;
- Ўз-ўзини назорат қилиш ва баҳолаш;
- Мулоқотчанлик ва ўзгалар фикрига ҳурмат;
- Жамоада ишлаш кўникмалари ривожланади.

**Методни амалга ошириш тартиби:**

- Ўқитувчи таълим олувчиларни миқдор жиҳатдан тенг гуруҳларга ажратади;
- Тренинг ўтказишга қўйилган талаблар ва бажарилиши зарур бўлган топшириқ шартлари билан таништиради;
- Тарқатмалар (иловадаги) гуруҳларга берилади ва таклиф этилган схема асосида қатнашчилар тушунчага ёки муаммога нисбатан ўзининг мустақил фикрини билдиради;
- Билдирилган фикрлар ижобий ва салбий йўналишга ажратилиб, керакли устунчаларга ёзилади;
- Белгиланган вақт (10-15 дақиқа) якунига етгач, барча гуруҳларнинг фасилитаторлари ёрдамида презентация ташкил этилади;
- Барча гуруҳларнинг якуний хулосалари ўқиб эшиттирилганидан сўнг, тренер-ўқитувчи гуруҳлар ишини баҳолайди ва қўшимча тўлдиришларни киритади.

**КУТИЛАДИГАН НАТИЖА**

Тингловчилар мавзу юзасидан зарурий билимларни ўзлаштиради, мустаҳкамлайди, мавзунинг моҳияти ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлади ва шахсий муносабати шаклланади.

**Ўқув тарбия жараёнига инновацияларни киритиш**

ЮТУҚЛАР

КАМЧИЛИКЛАР

**ХУЛОСА**

## ВИЗУАЛ МАТЕРИАЛЛАР





## ЎҚИТУВЧИНИНГ ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТИГА ЁНДАШУВЛАР

Гуманистик аксиология - аксиологияга инсонга олий қадрият ва ижтимоий тараққиётнинг бирдан – бир мақсади сифатида қарайди. Инновацион фаолиятга аксиологик ёндошув инсоннинг ўзини янгилик яратиш жараёнига бахшида қилиши, унинг томонидан яратилган педагогик қадриятлар мажмуасини англатади.

Акмеологик ёндошув - акмеология (*akme*) – юнонча олий нуқта, ўткир, гуллаган етук, энг яхши давр деган маъноларни билдиради.

Креатив ёндошув – термини АҚШда XX асрнинг 60-йилларда пайдо бўлди. У индивиднинг янги тушунча яратиши ва янги кўникмалар ҳосил қилиш қобилияти, ҳислатилини билдиради.

Рефлексив ёндошув – (лотинча *reflexio* - ортга қайтиш) субъектнинг ўз (ички) психик туйғу ва ҳолатларини билиш жараёни сифатида қаралади.

**ТАЪЛИМГА АНЪАНАВИЙ ВА  
ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВЛАРНИ  
ҚИЁСЛАШ**

№	АНЪАНАВИЙ ЁНДАШУВ	НОАНЪАНАВИЙ ЁНДАШУВ
1	Асосий эътибор ўқитиш мазмунига қаратилган.	Асосий эътибор ўқитишни мазмунига ва жараёнига қаратилган.
2	Таълим берувчи-бошқарувчи. Таълим олувчи-етакланувчи	Таълим олувчи ўқув жараёнида фаол қатнашади.
3	Ўқув мақсадлари аниқ эмас.	Ўқув мақсадлари музокарада аниқланиб, кутилаётган натижа орқали аниқ этирилади.
4	Таълим берувчи билимларни монолог орқали етказди.	Таълим берувчи билиш жараёнида қатнашади ва диалог, полилогларни қўллади.
5	Таълим олувчи билимни пассив ҳолатда қабул қилади.	Таълим олувчилар билимларни фаол қабул қилади ва ўзлаштиради.
6	Таълим берувчи тўғри жавобни формал ҳолатда талаб қилади.	Таълим берувчи саволга турли хил жавобларни рағбатлантиради.
7	Машғулотларнинг “дастурланганлиги” ва қатъий тузилмаси	Машғулотлар таълим олувчиларнинг талабларига қараб ташкил этилади.
8	Таълим берувчи фаолияти асосан авторитар.	Таълим берувчининг бошқариш усули рағбатлантирувчи, демократик
9	Асосий эътибор назарияга қаратилган.	Эътибор назарияга қаратилган, ammo асосий қисми амалиётга қаратилган.
10	Фаолиятнинг етарли бўлмаган продуктив барқарор стереотиплари	Қўлланилаётган педагогик усулнинг турли-туманлиги

## МАЪРУЗА МАТНИ

**МАВЗУ: Олий таълим муассасасида мутахассислик фанлари ўқитувчисининг инновацион салоҳиятини ривожлантириш долзарб муаммо сифатида.**

**РЕЖА:**

1. Олий таълим муассасаси мутахассислик фанлари ўқитувчиси шахсига қўйилаётган замонавий талаблар.
2. Инновацион фаолият тузилмаси.
3. Педагогик жараёнда инновация.
4. Мутахассислик фанлари ўқитувчининг инновацион фаолияти.

**Таянч сўз ва иборалар:** *инновация, педагогик инноватика, инновацион фаолият, акмеология, аксиология, креатив, инновацион салоҳият, технология, лойиҳалаш, режаслаштириш.*

Ҳозирги давр таълим тараққиёти янги йўналиш инновацион фаолиятни майдонга олиб чиқди. “Инновацион педагогика” термини ва унга хос бўлган тадқиқотлар Ғарбий Европа ва АҚШда 60 йилларда пайдо бўлган. Инновацион фаолият Ф.Н. Гоноболин, С.М. Годнин, В.И. Загвязинский, В.А. Кан-Калик, Н.В. Кузмина, В.А. Слатенин, А.И. Щербаков ишларида тадқиқ этилган. Бу тадқиқотларда инновацион фаолият амалиёти ва илғор педагогик тажрибаларни кенг ёйиш нуқтаи назаридан ёритилган.

Х. Барнет, Дж. Бассет, Д. Гамилтон, Н. Гросс, М. Майез, А. Хейвлок, Д. Чен, Р. Едем ишларида инновацион тараққиётларни бошқариш, таълимдаги ўзгаришларни ташкил этиш, инновациянинг “ҳаёти ва фаолияти” учун зарур бўлган шарт шароитлар масалалари таҳлил қилинган. Янгилик киритишнинг психологик аспекти америкалик инноватик олимлардан бири Э. Роджерс томонидан ишлаб чиқилган. У янгилик киритиш жараёни қатнашчиларининг тоифалари таснифини, унинг янгиликка бўлган муносабатини, уни идрок қилишга шайлигини тадқиқ этади.

Инновация (инглизча *innovation*) - янгилик киритиш, янгилик демакдир.

А.И.Пирожкин инновация деганда муайян ижтимоий бирликка ташкилот, аҳоли, жамият, гуруҳга янги, нисбатан турғун унсурларни киритиб борувчи мақсадга мувофиқ ўзгаришларни тушунади. Бу инноватор фаолиятидир.

А.И.Пригожин инновация деганда муайян ижтимоий бирликка - ташкилот, аҳоли, жамият, гуруҳга янги, нисбатан турғун унсурларни

киритиб боровчи мақсадга мувофиқ ўзгаришларни тушунади, бу инноватор фаолиятидир.

Тадқиқотчилар А.И. Пригожин, Б.В. Сазонов, В.С. Толстой, А.Г. Кругликов, А.С. Ахиезер, Н.П. Степанов ва бошқалар инновацион жараёнлар таркибий қисмларини ўрганишнинг икки ёндашувини ажратадилар: янгиликнинг индивидуал микросатҳи ва алоҳида-алоҳида киритилган янгиликларни ўзаро таъсири микросатҳи.

Биринчи ёндашувда ҳаётга жорий этилган қандайдир янги ғоя ёритилади.

Иккинчи ёндашувда алоҳида-алоҳида киритилган янгиликларнинг ўзаро таъсири, уларнинг бирлиги, рақобати ва оқибат натижада бирининг ўрнини иккинчиси эгаллашдир.

Олимлар инновацион жараён микротузилмасини таҳлил қилишда ҳаётнинг даврийлиги концепциясини фарқлайдилар. Бу концепция янгилик киритишга нисбатан ўлчанадиган жараён эканлигидан келиб чиқади.

Педагогикага оид адабиётларда инновация жараёни схемаси берилади. У қуйидаги босқичларни қамраб олади:

1. Янги ғоя туғилиши ёки янгилик концепциясини пайдо қилиш босқичи, у кашфиёт босқичи деб ҳам юритилади.

2. Ихтиро қилиш, яъни янгилик яратиш босқичи.

3. Яратилган янгиликни амалда қўллаш билиш босқичи.

4. Янгиликни ёйиш, уни кенг тадбиқ этиш босқичи.

5. Муайян соҳада янгиликнинг ҳукмронлик қилиш босқичи. Бу босқичда янгилик ўзининг янгилигини йўқотади, унинг самара берадиган муқобили пайдо бўлади.

Янги муқобиллик асосида, алмаштириш орқали янгиликнинг қўлланиш доирасини қисқартириш босқичи.

В.А. Слостенин янгилик киритишни мақсадга мувофиқ йўналтирилган янгилик яратиш, кенг ёйиш ва фойдаланиш жараёни мажмуи, унинг мақсади инсонларнинг эҳтиёжи ва интилишларини янги воситалар билан қондириш деб билади.

Янгилик киритишнинг тизимли концепцияси муаллифлари (А.И. Пригожин, Б.В. Сазонов, В.С. Толстой) инновацион жараёнларнинг икки муҳим шаклини фарқлайдилар.

Биринчи шаклга янгилик киритишни оддий ишлаб чиқиш киритилади. Бу илк бор маҳсулот ўзлаштирган ташкилотларга тааллуқлидир.

Иккинчи шаклга янгиликни кенг қўламда ишлаб чиқиш тааллуқлидир.

Янгилик киритиш ҳам ички мантик, ҳам вақтга нисбатан қонуний ривожланган ва унинг атроф-муҳитга ўзаро таъсирини ифодаладиган динамик тизимдир.

Педагогик инновацияда "янги" тушунчаси марказий ўрин тутади. Шунингдек, педагогик фанда хусусий, шартли, маҳаллий ва субъектив янгиликка қизиқиш уйғотади.

Хусусий янгилик В.А. Сластениннинг аниқлашича, жорий замонавийлаштиришда муайян тизим маҳсулоти унсурларидан бирини янгилашни кўзда тутади.

Мураккаб ва прогрессив янгиланишга олиб келувчи маълум унсурларнинг йиғиндиси шартли янгилик ҳисобланади.

Маҳаллий янгилик конкрет объектда янгиликнинг фойдаланиши билан белгиланади.

Субъектив янгилик маълум объект учун объектнинг ўзи янги бўлиши билан белгиланади.

Илмий йўналишларда янгилик ва инновация тушунчалари фарқланади. Янгилик - бу воситадир: янги метод, методика, технология ва бошқалар.

В.И. Загвязинский янги тушунчасига таъриф бериб, педагогикадаги янги бу фақатгина ғоя эмас, балки ҳали фойдаланилмаган ёндашувлар, методлар, технологиялардир, лекин бу педагогик жараённинг унсурлари мажмуан ёки алоҳида олинган унсурлари бўлиб, ўзгариб турувчи шароитда ва вазиятда таълим ва тарбия вазифаларини самарали ҳал этишнинг илғор бошланмаларини ўзида акс эттиради.

Р.Н.Юсуфбекова педагогик янгиликка ўқитиш ва тарбия беришда аввал маълум бўлмаган ва аввал қайд қилинмаган ҳолат, натижа, ривожланиб борувчи назария ва амалиётга элтувчи педагогик воқеликнинг ўзгариб туриши мумкин бўлган мазмуни сифатида қарайди.

Педагогик инновацияда Р.Н. Юсуфбекова инновацион жараён тузилмасининг уч блокини фарқлайди:

Биринчи блок - педагогикадаги янгини ажратиш блоки. Бунга педагогикадаги янги, педагогик янгиликнинг таснифи, янгини яратиш шарт-шароити, янгиликнинг меъёрлари, янгининг уни ўзлаштириш ва фойдаланишга тайёрлиги, анъана ва новаторлик, педагогикадаги янгини яратиш босқичлари киради.

Иккинчи блок - янгини идрок қилиш, ўзлаштириш ва баҳолаш блоки: педагогик ҳамжамиятлар, янгини баҳолаш ва уни ўзлаштириш жараёнларининг ранг-баранглиги, педагогикадаги консерваторлик ва новаторлик, инновация муҳити, педагогик жамиятларнинг янгини идрок этиш ва баҳолашга тайёрлиги.

Учинчи блок - янгидан фойдаланиш ва уни жорий этиш блоки, яъни янгини тадбиқ этиш, фойдаланиш ва кенг жорий этиш қонуниятлари ва турларидир. М.М. Поташникнинг инновация жараёнлари талқинлари киши эътиборини ўзига тортади. У инновация жараёнининг қуйидаги тузилмасини беради:

- фаолият тузилмаси - мотив - мақсад - вазифа - мазмун - шакл - методлар - методика компонентлари йиғиндиси;

- субъектив тузилма-инновацион фаолият субъектларининг халқаро, минтақавий, туман, шаҳар ва бошқа сатҳлари;

- сатҳий тузилма-инновацион фаолият субъектларининг халқаро, минтақавий, туман, шаҳар ва бошқа сатҳлари;

- мазмун тузилмаси - ўқув-тарбиявий ишлар, бошқарув (ва б.)да янгиликнинг пайдо бўлиши, ишлаб чиқилиши ва ўзлаштирилиши;

- босқиччиликка асосланган ҳаёт даврийлик тузилмаси – янгиликнинг пайдо бўлиши - илдам ўсиш - етуклик – ўзлаштириш - диффузия (сингиб кетиш, тарқалиш) – бойиш (тўйиниш) – қолоқлик - инкироз – иррадиация (алданиш) – замонавийлаштириш;

- бошқарув тузилмаси - бошқарув ҳаракатларининг 4 та турининг ўзаро алоқаси: режалаштириш - ташкил этиш - раҳбарлик қилиш - назорат қилиш;

- ташкилий тузилма - диагностик, олдиндан кўра билиш, соф ташкилий, амалий, умумлаштирувчи, тадбиқ этувчи.

Инновация жараёни таркибий тузилмалар ва қонуниятларни қамраб олган тизимдан иборатдир.

Педагогикага оид адабиётларда инновацион жараён кечишининг 4 та асосий қонуниятлари фарқланади:

- педагогик инновация муҳитининг аёвсиз бемаромлик қонуни;

- ниҳоят амалга ошиш қонуни;

- қолиплаштириш ёки стереотиплаштириш қонуни;

- педагогик инновациянинг даврий такрорланиши ва қайтиши қонуни;

Аёвсиз бемаромлик қонунида педагогик жараён ва ҳодисалар тўғрисидаги яхлит тасаввурлар бузилади, педагогик онг бўлинади, педагогик янгилик баҳоланади ва у янгиликнинг аҳамияти ва қимматини кенг ёяди.

Ниҳоят амалга ошиш қонуни янгиликнинг ҳаётийлиги бўлиб, у эрта ё кеч, стихияли ёки онгли равишда амалга ошади.

Қолиплаштириш ёки стереотиплаштириш қонуни шундан иборатки, унда педагогик инновация фикрлашни бир қолипга тушириш ва амалий ҳаракатга ўтиш тенденциясига эга бўлади. Бундай ҳолатда педагогик қолип

(стереотип) қоқоқликка, бошқа янгиликларнинг амалга ошиш йўлига тўсик бўлишга мажбур бўлади.

Педагогик инновациянинг даврий такрорланиши ва қайтиши қонунининг моҳияти шундаки, унда янгилик янги шароитларда қайта тикланади.

Педагогик инновация тадқиқотчилари инновация жараёнининг икки типини фарқлайдилар:

Инновациянинг биринчи типи стихияли ўтади, яъни инновацион жараёнда унга бўлган эҳтиёж ҳисобга олинмайди, уни амалга оширишнинг барча шарт-шароитлари тизими, усуллари ва йўлларига онгли муносабат бўлмайди.

Инновациянинг иккинчи типи онгли, мақсадга мувофиқ, илмий асосланган фаолият маҳсулидир.

Олий мактабдаги инновацион жараёнлар В.А.Сластенин, М.М. Левина, М.Я.Виленский ва бошқалар томонидан тадқиқ қилинган.

Олий мактаб инновацион жараёнлари негизида қуйидаги ёндашувларни белгилаш мумкин:

- маданиятшунослик жиҳатидан (инсонни билишнинг устувор ривожланиши) ёндашув;
- шахсий фаолият жиҳатидан (таълимдаги янги технологиялар) ёндашув;
- кўп субъектли (диалогик) ёндашув, касбий тайёргарликни инсонпарварлаштириш;
- индивидуал - ижодий (ўқитувчи ва талабаларнинг ўзаро муносабатлари) ёндашув.

Олий мактабда инновацион фаолиятнинг субъекти ўқитувчи, унинг шахсий имконияти ҳисобланади. Бунда ўқитувчи шахсининг ижтимоий-маданий, интеллектуал ва ахлоқий имкониятлари юксак аҳамиятга молик бўлади.

С.М.Годниннинг ишларида талабанинг шахсий хислатлари педагогик жараённинг субъекти сифатида ёритилади. Унга қуйидагиларни киритади: ўқитишнинг ҳозирги ва келгуси босқичлари учун қабул қилинган ўқув - тарбия жараёнининг мақсади, вазифаси ва кўрсатмаларини англай билиш; интеллектуал меҳнатнинг янги тадбирларини эгаллаш; мақсадга мувофиқ касбий ўз-ўзини тарбиялаш ва мустақил таҳсил олиш, қийинчиликларни аъло даражада енга билиш, ўсиш ва мустаҳкам ўрин эгаллашнинг кенгаётган интеллектуал ва касбий имкониятлари, истиқболлари билан қониқиш, ўзининг социал роли, функциясини бажаришида фаол муносабатда бўлиш ва ҳоказо.

Инновацион педагогик жараённинг муҳим унсурлари шахснинг ўз-ўзини бошқариши ва ўзини-ўзи сафарбар қила олиши ҳисобланади. Унинг энг муҳим йўналишларидан бири талабаларнинг билиш фаолиятини ривожлантириш.

Бундай йўналиш талабаларнинг ўқув ишларини фаоллаштириш, уларнинг касбий ихтисослашишини аниқлаб олиш фаоллигини ўз ичига олади.

Таянч йўналишлар - таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг интеграциялашуви, уларнинг ўзаро алоқаларида янги тамойилларга ўтиш.

Шундай қилиб, инновацион фаолият омиллари назарияси таҳлили унинг энг муҳим йўналиши гуманистик аксиология экан деган хулосага олиб келади.

Инновацион фаолиятга аксиологик ёндашув инсоннинг ўзини янгилик яратиш жараёнига бахшида қилиши, унинг томонидан яратилган педагогик кадриятлар жамини англатади.

Аксиология инсонга олий кадрият ва ижтимоий тараққиётнинг бирдан-бир мақсади сифатида қарайди.

Ўқитувчининг инновацион фаолияти тузилмаси

Ўқитувчининг инновацион фаолиятига яратувчилик жараёни ва ижодий фаолият натижаси сифатида қаралади.

В.А.Сластенин ўқитувчининг инновацион фаолиятини тузишда унга акмеологик жиҳатдан ёндашади.

Акмеология (акме) - юнонча олий нуқта, ўткир, гуллаган, етук, энг яхши давр деган маъноларни билдиради.

Б.Г.Ананьев, Н.В.Кузьмина, А.А.Деркач ва бошқалар касбий фаолиятнинг самарасини ошириш билан йўғрилган инсон ҳаётининг энг ижодий давлари, етуклик босқичлари тўғрисида фикр юритадилар. Улар етук инсонларнинг профессионализи, шахс ривожланишининг гуллаган давридаги психик қонуниятлари, профессионализмга етишдаги баландликлардан ўта олиш масалалари билан шуғулланганлар.

В.А.Сластенин акмеологиянинг юксак профессионализмга, мутахассиснинг узок ижодий умр кўришига олиб келадиган субъектив ва объектив омилларини асослаб берди. Объектив омилларга олинган таълимнинг сифатини, субъектив омиллари эса инсоннинг истеъдоди ва қобилиятини, ишлаб чиқариш вазифаларини самарали ҳал қила олишидаги масъулияти, мутахассисларга ёндашувини киритади.

Юксак профессионализмга эришишнинг омиллари сифатида қуйидагилар кўрсатилади:

- истеъдод нишонлари;



- укувлилик;
- қобилият;
- истеъдод;
- оила тарбияси шароити;
- ўқув юрти;
- ўз хатти-ҳаракати.

Акмеология илмий нуқтаи назардан профессионализм ва ижод муносабатида олиб қаралади. Бунда қуйидаги категориялар фарқланади:

- ижодий индивидуаллик;
- ўзининг ўсиш ва такомиллашиш жараёни;
- ўз имкониятларини амалга ошириш сифатидаги креатив тажрибаси.

Ўқитувчининг ижодий индивидуаллиги қуйидагилардан иборат:

- интеллектуал - ижодий ташаббус;
- билимлар кенглиги ва чуқурлиги интеллектуал қобилияти;
- зиддиятларга нисбатан хушёрлик, ижодга танқидий ёндашув,

вужудан яратувчиликка курашчанлик қобилияти;

• ахборотларга ташналик, муаммолардаги ғайриодатийликка ва янгиликка бўлган ҳис-туйғу, профессионализм, билишга бўлган чанқоқлик (Н.В. Вишнекова).

В.А.Сластенин ижодий индивидуализмни рўёбга чиқаришнинг асосий вазифаларини қуйидагича белгилайди:

- ижтимоий моҳият касб этган маданиятни бойитиш;
- педагогик жараён ва шахс билимларини янгилаб туриш;
- самарали ва аҳамиятли меъёрларни белгилайдиган янги технологияларни топиш;

• шахснинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ва ўзини ўзи намоён қила олиши асосида ўз ривожланишини таъминлаш;

Шу тариқа ўқитувчининг ижодий индивидуаллигини шакллантириш шахс ривожланиши ва янгилашнинг динамик инновацион жараёни сифатида тушунилади.

Ижодий индивидуалликни характерлайдиган самарали ўз-ўзини англаш қуйидагиларни қамраб олади: ўзини бошқаларга қиёс қилиш асосида ўз шахсининг бетакрор эканлигини англай олиши; ўзи тўғрисидаги креатив кўринишлар ва тасаввурлари тўплами; индивидуал креатив ўзига хосликларнинг бир бутунлиги ва уйғунлиги, ички бирлиги; шахснинг ўз ривожланишидаги динамиклик ва доимийлик жараёни ва унинг ижодкор сифатида шаклланиши; шахс ўзини намоён қила олиши ва ўзининг муайян ишларни амалга оширишга ҳозир турганлиги; ижодкор сифатида ўзини

бахшида қила олиши ва шахсий ҳамда ижтимоий вазиятларда ўзининг ўрнини англай олиши (В.А. Слостенин).

Инновацион фаолият тузилмаси таҳлилида акмеологик ёндашув ўқитувчининг касбий маҳорати чўққиларига эришувида унинг шахси ривожланиш қонуниятларини очиш имконини беради.

Ўқитувчи инновацион фаолиятининг энг муҳим тавсифи креативликдир.

Креативлик термини англия-америка психологиясида 60-йилларда пайдо бўлди. У индивиднинг янги тушунча яратиши ва янги кўникмалар ҳосил қилиш қобилияти, хислатини билдиради.

Ж.Гилфорд креативликни тавсифлайдиган қатор индивидуал қобилиятларни кўрсатади:

- фикрининг равонлиги;
- фикрни мақсадга мувофиқ йўллай олиши;
- ўзига хослик (оригиналлик);
- қизиқувчанлик;
- фаразлар яратиш қобилияти;
- хаёл қила олиш, фантастлик (фантазия).

Ўқитувчи фаолиятидаги креативликнинг бир неча босқичларини белгилаш мумкин:

Биринчи босқичда тайёр методик тавсияномалар тузуккина кўчирилади; иккинчи босқичда мавжуд тизимга айрим мосламалар (модификациялар), методик усуллар киритилади; учинчи босқичда ғояни амалга ошириш мазмуни, методлари, шакли тўла ишлаб чиқилади; тўртинчи босқичда ўқитиш ва тарбиялашнинг ўз бетакрор концепцияси ва методикаси яратилади.

Ўқитувчининг инновация фаолияти тузилмасидаги энг муҳим компонент бу рефлексиядир.

Рефлексия ўқитувчининг ўз онги ва фаолиятини белгилаш ва таҳлил қила олиш деб қаралади, ўз фикри ва ҳаракатларига ташқаридан назар (В.А. Слостенин).

Педагогикага оид адабиётларда рефлексив жараёнларни изоҳлашнинг икки анъанаси мавжудлиги айтилади:

- объектлар моҳиятини изоҳлашга ва уларни конструкциялашга олиб келадиган онгнинг рефлексив таҳлили;

- шахслараро мулоқот маъносини тушуниш рефлексияси;

Ўқитувчи-новатор сермахсул ижодий шахс бўлиши, креативликни, кенг камровли қизиқиш ва машғулликни, ички дунёси бой, педагогик янгиликларга ўч бўлиши лозим.

Ўқитувчини инновацион фаолиятга тайёрлаш икки йўналишда амалга оширилиши лозим:

- янгиликни идрок қилишга инновацион шайликни шакллантириш;
- янгича ҳаракат қила олишга ўргатиш.

Инновацион фаолиятни ташкил этишда талабаларнинг ўқув-билиш фаолияти ва уни бошқариш алоҳида аҳамиятга эга.

Юқорида қайд этилган фикрлардан келиб чиқиб бугунги кун ўқитувчиси шахсига нисбатан қўйилаётган талаблар мазмуни англанилади. Замонавий ўқитувчи қандай бўлиши зарур? Мустақилликнинг илк кунларидан бошлаб ушбу муаммо бўйича кўплаб педагог ва психолог олимлар ўз фикр ва мулоҳазалари билан чиқдилар. Ўқитувчиларнинг касбий маҳоратларини миллий анъана ва урф-одатларимиздан, кадриятларимиздан келиб чиқиб янада такомиллаштириш, уларнинг педагогик фаолиятини ҳозирги замон талаблари даражасида янада

такомиллаштириш учун методик қўлланмалар, тавсияномалар пайдо бўлди. Ҳозирги кунда ҳам ушбу муаммо бўйича илмий изланишлар, илмий тадқиқотлар давом этмокда.

XXI асрга келиб ўқитувчининг вазифаси янада такомиллашиб бормокда. Эндиликда глобал ўзгаришлар, фан-техника ва ахборот-коммуникация технологияларининг кун сайин ривожланиб бориши ўқитувчидан юксак маҳоратни, ўткир иродани, психологик қувватни, чуқур билим ва мулоҳазали бўлишни талаб қилади.

Ўқитувчи педагогик, психологик ва мутахассислик йўналишлари бўйича махсус маълумот, касбий тайёргарлик, юксак ахлоқий фазилатларга эга бўлиши ва таълим муассасаларида фаолият кўрсатувчи шахсдир. Ушбу нуқтаи назардан қуйидаги бурч ва масъулиятлар улардан талаб қилинади:

1. Ўқитувчи энг аввало масъулиятни ҳис этувчи тарбиячи, тажрибали нотик, маданият ва маърифат тарғиботчисидир.

2. Ўқитувчи табиатан ўқувчиларни сева олиши, ўз меҳрини, ҳис-туйғуларини ҳар лаҳзада ўқувчилар ички дунёси билан боғлай олиши, уларнинг ҳам меҳрига, ҳурматига сазовор бўлиши керак.

3. Ўқитувчи жамият ижтимоий ҳаётида рўй бераётган ўзгаришлар, олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар моҳиятини чуқур англаб етиши ва уларга ҳолисона баҳо бериб, бу борада ўқувчиларга тўғри, асосли маълумотларни доимий бера олиши лозим.

4. Замонавий ўқитувчининг илм-фан, техника ва ахборот технологиялари янгиликларидан ва ютуқларидан хабардор бўлиб бориши талаб этилади.

5. Ўқитувчи ўз мутахассислиги бўйича чуқур ва пухта билимга эга бўлиши, барча фанлар интеграциясини ўзлаштириб бориши, бунда ўз устида тинимсиз илмий изланишлар олиб бориши лозим.

6. Ўқитувчи педагогика ва психология фанлари асосларини пухта билиши, ўқувчиларнинг ёш ва психологик хусусиятларини инобатга олган ҳолда таълим-тарбия фаолиятини ташкил этиши керак.

7. Ўқитувчи касбий педагогик фаолиятида таълим ва тарбиянинг энг самарали замонавий шакл, метод ва воситалардан унумли фойдалана олиш имкониятига эга бўлмоғи лозим.

8. Ўқитувчи ижодкор, таълим-тарбиявий фаолият ташаббускори ва ёш авлод келажаги учун жавобгар шахсдир.

9. Ўқитувчи касбий фаолияти жараёнида юксак даражадаги педагогик маҳорат, коммуникатив лаёқати, педагогик техника (нутқ, юз, қўл-оёқ ва гавда ҳаракатлари, мимика, пантомимика, такт) қоидаларини чуқур ўзлаштириб бориши шарт.

10. Ўқитувчи нутқ маданиятига эга бўлиши зарур, унинг нутқи куйидаги хусусиятларни ўзида акс эттириши керак: турли шева сўзлардан ҳоли бўлиб, фақат адабий тилда ифода этилиши; ўқитувчининг нутқи содда, раван ва тушунарли бўлиши; ҳикматли сўзлар, ибора ва мақоллар, маталлар ҳамда кўчирма гаплардан ўринли фойдалана олиши лозим. Жаргон (муайян касб ёки соҳа мутахассисликларига хос сўзлар); варваризм (муайян миллат тилида баён этилаётган нутқда ўзга миллатларга хос сўзларни ноўрин қўлланилиши); вульгаризм (ҳақорат қилиш, сўкишда қўлланиладиган сўзлар) ҳамда концеляризм (ўрни бўлмаган вазиятларда расмий сўзлардан фойдаланиш) каби норасмий сўзлардан ҳоли бўлиши,

11. Ўқитувчининг кийиниш маданияти ўзига хос бўлиши, яъни содда, озода, бежирим кийиниши, таълим-тарбия жараёнида ўқувчининг диққатини тез жалб этувчи турли хил безаклар (олтин, кумуш тақинчоклар)дан фойдаланмаслиги, фасл, ёш, гавда тузилиши, юз қиёфаси, ҳатто, соч ранги ва турмагига мувофиқ равишда кийиниши талаб этилади.

12. Ўқитувчи таълим муассасасида синф жамоасининг асосий ташкилотчиси ва таълим соҳасида олиб борилаётган ислохотларнинг энг фаол иштирокчисидир.

13. Ўқитувчи педагогик мулоқот жараёнининг фаол иштирокчиси эканлигини унутмаслиги шарт. Шунинг учун касбий фаолиятида ўзида бир қатор педагогик сифатларни таркиб топтириб бориши зарур.

14. Ўқитувчи энг аввало, мулоҳазали, босиқ, ҳар қандай педагогик вазиятни тўғри баҳолай оладиган ҳамда мавжуд зиддиятларни бартараф этишнинг уддасидан чиқа олиши керак.

Ўқитувчи шахсининг мазкур талабларга мувофиқ келувчи қиёфаси унинг ўқувчилар, ҳамкасблари ҳамда ота-оналар ўртасида обрў-эътибор қозонишини таъминлайди.

### **Ўз-ўзини назорат қилиш саволлари**

1. Таълим технологияси фанининг мақсад ва вазифаси нималардан иборат?
2. Таълим технологияси фанининг бошқа фанлар билан алоқадорлиги.
3. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг мақсадини айтинг.
4. Кадрлар тайёрлаш миллий моделининг асосий таркибий қисмлари.
5. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг вазифаси нималардан иборат?
6. Таълим соҳасини тубдан ислох қилишнинг зарурати ҳақида фикрларингиз.
7. Таълим жараёни нима?



8. Таълим жараёнини ўқитувчига боғлиқ жиҳатлари нималардан иборат?
9. Шахс сифатлари тузилишининг нечта даражаси бор?
10. Психик жараёнлар сатҳи нималарни ўз ичига олади?

#### **Фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати.**

1. Азизходжаева Н.Н. Педагогик технология ва педагогик маҳорат. Чўлпон, 2005. 213 б.
2. Исянов Р.Г. Олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларини малакасини ошириш технологиялари. Т.: Фан. 2011. 189 б.
3. Ишмухаммедов Р.Ж. Инновацион технологиялар ёрдамида ўқитиш самарадорлигини ошириш йўллари. –Т.: 2000. 161 б.
4. Ишмухаммедов Р. Таълимда инновация. – Т.: Фан, 2010.
5. Ишмухаммедов Р. Тарбияда инновацион технологиялар – Т.: Фан, 2010.
6. Ў.Толипов, М.Усмонбоева Педагогик технологияларнинг тадбиқий асослари. –Т.: 2006.
7. Очилов М. Янги педагогик технологиялар - Қарши.: Насаф, 2000.
8. Фарберман Б. Илғор педагогик технологиялар - Т., 2001.
9. Йўлдошев Ж.Ғ., Усмонова С.А.. Педагогик технологиялар асослари - Т., 2004.
10. Мирсолиева М.Т. Педагогика коллежларида ўқув-тарбия жараёнини модернизациялаш. -Т.: ТДПУ, 2010
11. Унт Инге. Индивидуализация и дифференциация обучения. -М.: Педагогика 1990.
12. Шаталов В.Ф. Педагогическая проза. – М.: Педагогика,1980.
13. Ш.Шодмонова ва бошқалар Педагогик технологиялар Т., 2011

## ТЕСТ САВОЛЛАРИ

**1. Анъанавий таълимда ўқитувчининг бош вазафаси нималардан иборат?**

- А) Ахборотни қабул қилиш, ёрдам, ахборотни қайта ишламаган ҳолда жавоб бериш.
- Б) Ўқув топшириқларни ва муаммоли ҳал этишда иштирок этиш, доимо ўз билимини бойитиш, керакли баҳони кутиш
- В) Ўз билимини мустаҳкамлаш мақсадида сидқидилдан меҳнат қилиш ўз иқтидорини намоён этиш
- Г) Ўзини ва бошқаларни ҳурмат қилиш, ҳамкорликда ишлаш, китобхонлик билан шуғулланиш

**2. Анъанавий таълимда дарснинг мақсади қуйидагиларидан иборат бўлади:**

- А) Билимларни ўзлаштириш
- Б) Кўникма ва малака ҳосил қилиш
- В) Шахснинг қизиқиши, мотивини ривожлантриш
- Г) Фақат А ва Б жавобларгина тўғри

**3. Билим олишга қаратилган ва маълум бир педагогик натижани кўзлаган ҳамда таълим жараёнида муайян мақсадни амалга оширувчи фаолият тури нима деб аталади?**

- А) Педагогик тизим.
- Б) Педагогик ўйин
- В) Педагогик фаолият.
- Г) Педагогик такт

**4. Касбий ўқитиш моҳияти қандай педагогик-психологик шарт-шароитларни амалга оширишга йўналтирилган?**

- А) Мақсадга эришиш, ҳақиқатни излаб топиш;
- Б) Дидактик тайёргарлик, билимларни мустақил эгаллаш;
- В) Интизом, ирода, ихтисосликка бўлган қизиқиш;
- Г) Назария ва амалиётни чамбарчас боғлаб олиб бориш.

**5. Педагогнинг технологик тайёргарлиги қайси фаолиятларни ўз ичига олади?**

- А) Интеллектуал ривожланиш; фаол ўқиш, ижодий шахснинг ривожланиши;
- Б) Тафаккурнинг касбий йўналганлиги, идрок, тадқиқий тамоилларга амал қилиш.
- В) Англаш, амалий кўникмаларни шакллантириш, мулоҳаза қилиш.

**6. Ўқитувчининг инновацион фаолиятга тайёрлаш нечта йўналишда амалга оширилади?**

- А) 1 та;
- Б) 2 та;
- В) 5 та;
- Г) 6 та;

**7. Ўқитувчининг инновацион фаолияти структураси тўғри кўрсатилган қаторни топинг.**

- А) Гуманистик аксиология, акмеологик, креотив, рефлексия;
- Б) Ихтиро қилиш, янгилик яратиш, шахс ривожланиши;
- В) Креотив, аксиология;
- Г) Тўғри жавоб йўқ.

**8. Инновация жараёни схемасининг босқичлари қайси қаторда тўғри кўрсатилган?**

- А) Хусусий янгилик, маҳаллий янгилик, ғояларни яратиш босқичи;
- Б) Шартли янгилик, янгиликни ёйиш, ихтиро қилиш, яратилган янгиликни амалда қўллай билиш босқичи;
- В) Қолипштириш, такомиллаштириш, такрорлаш, амалга ошириш босқичи;
- Г) Янги ғоя туғилиши ёки янгилик концепциясини пайдо қилиш, яратилган янгиликни амалда қўллай билиш, уни кенг тадбиқ этиш, янгиликнинг ҳукмронлик қилиши, янгиликнинг қўлланиш доирасини қисқартириш босқичи.

**9. Таълим технологияси дастлаб қаерда ва қачон юзага келган?**

- А. Японияда 1950-йилларда
- Б. Германияда 1960-йилларда
- В. Россияда 1940-йилларда
- Г. Америкада 1930-йилларда

**10. Тизим деб нимага айтилади?**

- А. Ўзаро узвий боғланган, умумий мақсадни амалга оширувчи элементларнинг кетма-кетлиги
- Б. Муайян бир жараёни ташкил этувчи ва бошқарувчи элементлар йиғиндиси
- В. Маълум бир қонуният асосида, қатъий кетма-кетликда умумий функцияни амалга ошириш жараёни
- Г. Тартибланган, ўзаро узвий боғланган ва биргаликда умумий функцияни бажарувчи элементлар тўплами

**11. Технология сўзи қандай маънони англатади?**

- А. Француз сўзидан олинган бўлиб, беш қатор деган маънони англатади.
- Б. Инглиз сўздан олинган бўлиб, доскада мустақамлаш деган маънони англатади.
- В. Юнонча сўздан олинган бўлиб, маҳорат, санъат, фан, таълимот деган маънони англатади.
- Г. Грекча сўздан олинган бўлиб, изланиш, билиш йуллари деган маънони англатади.

**12. Таълим технологияси қандай элементлар тўпламида иборат?**

- А. Таълим методлари, шакллари, воситалари, таълим мазмуни, таълим мақсадлари ва натижалари
- Б. Таълим мазмуни, таълим мақсадлари ва натижалари, таълим берувчи, таҳсил олувчи
- С. Таълим берувчи, таълим олувчи, таълим мақсадлари ва натижалари, таълим мазмуни, таълим методлари, шакллари, воситалари ва баҳолаш
- Д. Таълим мазмуни, ўтказиш жойи, таълим мақсадлари ва натижалари, дидактик материаллар таълим берувчи, таҳсил олувчи

**13. “Метод”нинг маъноси қайси жавобда туғри берилган?**

- А. Француз сўзидан олинган бўлиб, беш қатор деган маънони англатади.
- Б. Инглиз сўздан олинган бўлиб, доскада мустақамлаш деган маънони англатади.
- В. Инглиз сўздан олинган бўлиб, тармоклаш, ғунча деган маънони англатади.
- Г. Грекча сўздан олинган бўлиб, изланиш, билиш йуллари деган маънони англатади.

**14. Қайси жавобда “Таълим методи”га тўғри изоҳ берилган?**

- А. Жараёнларни амалга ошириш усуллари ва воситалари ҳақидаги билимлар йиғиндиси, шунингдек объектда содир бўладиган сифат ўзгаришлар тушунилади.
- Б. Таълим иштирокчиларининг маълум мақсадга қаратилган, биргаликдаги фаолиятининг тартибга солинган йўллар йиғиндиси.
- В. Бир ёки ундан ортиқ муайян кетма-кетликда қўлланилган таълим методлари асосида ўтказиладиган таълим жараёнинидир.
- Г. Ўқувчиларнинг мустақил ишлаши эвазига ўқув материалининг ўзлаштирилишини кўзда тутадиган натижалар.

**15. “Пинборд” методининг маъноси қайси қаторда тўғри берилган?**

- А. Француз сўздан олинган бўлиб, беш қатор деган маънони англатади.
- Б. Инглиз сўздан олинган бўлиб, доскада мустаҳкамлаш деган маънони англатади.
- В. Инглиз сўздан олинган бўлиб, тармоқлаш, ғунча деган маънони англатади.
- Г. Грекча сўздан олинган бўлиб, изланиш, билиш йуллари деган маънони англатади

**16. “Ақлий ҳужум” методининг таърифини белгиланг.**

- А. Таълим олувчиларда муаммоли вазиятларнинг сабаб ва оқибатларини таҳлил қилиш ҳамда уларнинг ечимини топиш бўйича кўникмаларини шакллантиришга қаратилган метод.
- Б. Таълим олувчиларда берилган мавзу хусусида эркин фикрлаш ва турли жавоблар ўртасида боғлиқлик ўрнатиш ва гуруҳлаш имкониятини яратувчи метод.
- В. Бирор муаммо ёки савол бўйича ўқувчилар томонидан билдирилган эркин фикр ва мулоҳазаларни тўплаб, улар орқали маълум бир ечимга келинадиган метод.
- Г. Таълим олувчиларни фаоллаштириш мақсадида уларни кичик гуруҳларга ажратган ҳолда ўқув материални ўрганиш ёки топшириқни бажаришга қаратилган метод.

**17. “Ақлий ҳужум” методи қандай босқичларда амалга оширилади?**

- А. Кичик гуруҳларни шакллантириш; гуруҳларга топшириқлар бериш; кўрсатма бериш ва йўналтириш; гуруҳлар тақдимоти; муҳокама, таҳлил ва баҳолаш.
- Б. Гуруҳларга муаммоли вазият тавсифини бериш; муаммоли вазиятнинг келиб чиқиш сабабларини аниқлаш ва оқибатларини таҳлил қилиш; муаммоли вазиятнинг ечимини топиш; муҳокама, таҳлил ва баҳолаш.
- В. Янги мавзу бўйича савол бериш; ўқувчиларнинг эркин тарзда фикр-ғоялар билдириши; фикр-ғояларни жамлаш ; аниқ ва тўғри жавобларни танлаб олиш.
- Г. Кичик гуруҳларни шакллантириш; ўрганиш учун тарқатма материаллар бериш; янги кичик гуруҳларни шакллантириш; ўргатиш ва ўзаро ўрганиш; аввалги кичик гуруҳга қайтиш; баҳолаш.

**18. Таълим шакллари қандай жиҳатларга кўра ажратилади?**

- А. Ўқувчилар сонига кўра; дарс ўтказиш жойига кўра; ажратилган вақтга кўра.
- Б. Моҳиятига кўра; мақсадига кўра; даврийлигига кўра.
- В. Дидактик моҳиятига кўра; ўқувчилар имкониятларига кўра; шарт-шароитга кўра.
- Таълим муддатига кўра; таълим олувчининг имкониятига кўра; таълим берувчининг маҳоратига кўра.

**19. Кичик гуруҳларда талабалар сони нечта бўлиши тавсия этилади?**

- А. 2-5
- Б. 5-8
- В. 3-7
- Г. 3-4

**20. Таълимнинг ташкилий шаклларининг қандай турлари мавжуд?**

- А. Мажбурий; тасодифий; ихтиёрий.
- Б. Жуфтликда; кичик гуруҳларда; гуруҳлараро.
- В. Ўқув хонасида; ўқув хонасидан ташқарида.
- Г. Жамоавий; гуруҳий; якка тартибда.

**21. Кичик гуруҳларни шакллантиришнинг қандай йўллари мавжуд?**

- А. Альтернатив; жуфтликда; якка тартибда.
- Б. Жамоавий; гуруҳий; якка тартибда.
- В. Мажбурий; тасодифий; ихтиёрий.
- Г. Тасодифий; белгили; ўйинли.

**22. Таълим воситалари нечта турга бўлинади?**

- А. 7
- Б. 5
- В. 4
- Г. 3

**23. Педагогик маҳоратнинг асосий қисмларига қайсилар киради?**

- А. Нутқ малакалари, саводли гапириш, мимика ва пантомимо, аниқ имо-ишора, маъноли қараш, рағбатлантирувчанлик, ижодий жиддийлик
- Б. Руҳият маданияти, рағбатлантирувчанлик, ижодий жиддийли, сиёсий маданият, маънавий маданият
- В. Нутқ малакалари, саводли гапириш, мимика ва пантомимо, аниқ имо-ишора, маъноли қараш
- Г. Педагогик инсонпарварлик, мутахассисликга оид билимлар, аниқ имо-ишора, маъноли қараш

**24. Ўқитувчи қандай маданият қирраларига эга бўлиши керак?**

- А. Рағбатлантирувчанлик, маҳорат маданияти, ижодий жиддийли, сиёсий маданият
- Б. Нутқ малакалари, маънавий маданият, саводли гапириш, сиёсий маданият
- В. Руҳият маданияти, маҳорат маданияти, сиёсий маданияти, маънавий маданияти
- Г. Маҳорат маданияти, нутқ малакалари, саводли гапириш, сиёсий маданият.

## НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Таълим технологияси фанининг мақсад ва вазифаси нималардан иборат?
2. Таълим технологияси фанининг бошқа фанлар билан алоқадорлиги.
3. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг мақсадини айтинг.
4. Кадрлар тайёрлаш миллий моделининг асосий таркибий қисмлари.
5. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг вазифаси нималардан иборат?
6. Таълим соҳасини тубдан ислох қилишнинг зарурати ҳақида фикрларингиз.
7. Таълим жараёни нима?
8. Таълим жараёнинг ўқитувчига боғлиқ жиҳатлари нималардан иборат?
9. Шахс сифатлари тузилишининг нечта даражаси бор?
10. Психик жараёнлар сатҳи нималарни ўз ичига олади?
11. Синф – дарс тизими нима? Унинг моҳиятини нималар ташкил этади?
12. Бугунги кунда дарсларни ташкил этишга нисбатан қандай талаблар қўйилмоқда?
13. Таълим тизимида энг кўп қўлланилаётган дарс турлари қайсилар?
14. Таълимни ташкил этишнинг 3 та асосий тизими қайсилар?
15. Акмеологиянинг узок ижодий умр кўришига сабаб бўладиган омиллар ҳақида нималарни биласиз?
16. Ўқитишнинг ноанъанавий моделлани қайсилар?
17. Анаънавий таълим методларига нималар киради?
18. Анаънавий таълимнинг афзал ва камчиликларини сананг.
19. Ноанъанавий таълимнинг афзал ва камчиликларини сананг.
20. Ноанъанавий таълим мақсадларини айтинг.
21. Ноанъанавий таълим жараёнини ташкил этишда ахамият бериш керак бўлган принциплар.
22. Анаънавий таълимнинг ўзига хос жиҳатларини санаб беринг.
23. Таълимий технологиялар классификацияси.
24. Педагогик технологияларнинг ривожланиш босқичлари ҳақида нималарни биласиз?
25. Педагогик технологияларни таълим жараёнига тадбиқ этишдаги муаммоларнималардан иборат?



26. Педагогик технологиялар классификацияси.

27. Педагогик технологияларнинг ривожланишига хисса қўшган олимлардан кимларни биласиз?

## МАЛАКАВИЙ ИШ МАВЗУЛАРИ

1. Шахс сифатларининг таълим жараёнига таъсири.
2. График органайзерларнинг таълим самарадорлигини оширишдаги ўрни.
3. Ишбилармонлик ўйинларининг педагогик-психологик асослари.
4. Таълим жараёнида таълим олувчи шахси.
5. Муаммоли ўқитиш технологияси.
6. Ишбилармонлик ўйинлари воситасида ижодкорлик кўникмаларини шакллантириш.
7. Интерфаол ўқитиш методлари.
8. Педагогик жараённи лойиҳалаштириш.
10. Махсус фанларни ўқитишда инновацион ўқитиш технологияларидан фйдаланиш йўллари.
11. Анъанавий таълим технологиялари.
12. Муаммоли вазиятлар машқи: Кейс-стади.
13. Тарбия технологиялари.
14. Педагогик жараённи лойиҳалаштиришнинг психологик асослари.
15. Педагогик технологияларнинг илмий-назарий асослари.
16. Ўқитишни индивидуаллаштириш технологияси.
17. Масофали таълим технологиялари.
18. Видео маърузалар ва уларни тақил этишга қўйиладиган талаблар.
19. Ўқитишнинг интерфаол модели.
20. Онлайн тизимида ўқитиш.
21. Ўйинли технологиялар
22. Фанни ўзлаштиришга қаратилган педагогик технологиялар.
23. Муаллифлик технологиялари.
24. Гуруҳларда ўқитиш.
25. Ҳамкорликда ўқитиш технологияси.
26. Кейс-стади усулининг ўзига хос хусусиятлари.

## МУСТАҚИЛ ИШ МАВЗУЛАРИ

1. Таълим жараёнига инновацион технологияларни олиб кириш долзарб муаммо сифатида.
2. Таълимни самарадорлигини оширишда инновацион технологиялардан фойдаланиш
3. Таълим жараёнини технологиялаштириш.
4. Мутахассислик фанлари ўқитувчисининг инновацион фаолияти.
5. Мутахассислик фанларини ўқитишда таълимнинг самарали шакл ва усулларини тadbик этиш.
6. Мутахассислик фанларини ўқитишда идентив ўқув мақсадларни вазифаларга ажратиш.
7. Мутахассислик фанларини ўқитишда ахборот технологиялардан фойдаланиш.
8. Мутахассислик фанлари ўқитувчисининг инновацион салоҳиятини ошириш усуллари.
9. Мутахассислик фанлари ўқитувчисининг ўқув машғулотини лойихалаштира олиш малакалари.
10. Мустақил ишларни ташкил этишда ижодий ёндашув.
11. Геодезия фани мавзулари асосида таълим технологиясини ишлаб чиқиш.
12. Картография фани мавзулари асосида таълим технологиясини ишлаб чиқиш.
13. Кадастр фани мавзулари бўйича таълим технологиясини ишлаб чиқиш.
14. География фанлари мавзуларига интерфао методларнинг тadbик этиш.

## ГЛОССАРИЙ

**АНАЪНАВИЙ ДАРСЛАР** – дарсни бир хил ўтиш жараёни. Ҳар доимги бир хил ҳолат.

**АКСЕОЛОГИЯ** – ижтимоий субъектлар яратган педагогик кадриятлар йиғиндисини ифодалаб, инсонни энг олий кадрият деб билади ва жамият ривожланишининг мақсади деб ҳисоблайди.

**ГУРУҲЛИ ТАЪЛИМ** – бир ўқитувчи бир неча ўқитувчини ўқитадиган таълим шакли. Гуруҳлар ўқувчилар сонига қараб: кичик (3-6 ўқувчи), ўрта (7-15 ўқувчи), катта (15 дан ортиқ ўқувчи, гуруҳлар) га ажратилади. Шунингдек, ҳар бир гуруҳдаги таълим олувчиларнинг ёшига, таълим йўналишига ва шу кабиларга қараб ҳам гуруҳларга ажратилади. Бу шаклни қўллаш жараёнида яқка таълим шакллари ҳам амалга оширилади.

**ДАРС** – таълимни ташкил этиш шакли бўлиб, белгиланган вақт (45 дақиқа) давомида ўқитувчи ва ўқувчиларнинг аниқ мақсад асосида, ҳамкорликдаги фаолияти кўриниши.

**ДУНЁҚАРАШ** – шахснинг тафаккур тарзи ва йўналишини акс эттирувчи қарашлар, эътиқод ва фикр-ўйлар тизими.

**ЖАМОА** – умумий мақсад йўлида шахсларнинг ўзаро муносабатлари, ташкилийлиги ва интилишлари билан бир-бирига монанд турғун социал (ижтимоий) гуруҳ.

**ИННОВАТИКА** – педагогик инноватика: педагогик янгиликлар, уларни баҳолаш ва педагогик жамоа томонидан ўзлаштиришнинг пировардида уни амалиётда қўллаш ҳақидаги таълимот.

**ИННОВАЦИЯ** – янгиланишни, ўзгаришни амалга жорий этиш жараёни ва фаолияти, янгилик киритиш.

Илмий техника ютуқлари ва илғор тажрибаларга асоланган техника, технология, бошқарув ва меҳнатни ташкил этиш каби соҳалардаги янгиликлар, шунингдек, уларнинг турли соҳалари ва доираларда қўлланишини акс эттиради.

**ИНСОН КАМОЛОТИ** – бу инсоннинг кенг маънода ички ва ташқи омиллар таъсирида шаклланиш жараёнидир.

**ИНСОНПАРВАРЛИК** – одамзотнинг қадри, унинг эркинлиги, қобилиятлари ҳар томонлама намоён бўлиши учун курашиши, инсоннинг бахт-саодати, тенг ҳуқуқлилиги, адолатли ҳаётини таъмин этишга интилиш, инсонийликнинг барча тамойиллари юзага чиқишига шарт-шароитлар яратиш маъносини англатади. Инсонпарварлик ўзбек халқи миллий руҳиятининг ажралмас фазилатларидир. (Зокиров М. Маърифий сабоқлар. Ж. 2001. 67-бет).

**ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК** – ижодий ақлий фаолият маҳсули. Ихтирочилик ва муаллифлик манбаи ҳуқуқи мажмуига кирувчи, фан, адабиёт, санъат ва ишлаб чиқариш соҳасида ижодий фаолиятнинг бошқа турлари, адабий, бадиий, илмий асарлар, ижрочи актёрлик санъати, жумладан, овоз ёзиш, радио ва телевидение асарлари кашфиётлар, ихтиролар, саноат намуналари, компьютер учун дастурлар, маълумотлар омбори, товар белгилари, фирма атамалари ва бошқа ақлий мулк манбалари киради.

**ИНТЕЛЛЕКТ** – шахсинг турли фаолиятни мувафакқият билан ўзлаштиришини белгилайдиган туғма ва ўзлаштирилган ақлий қобилиятлар тўплами.

**ИНТЕРФАОЛ МАШҒУЛОТ** – ўқитувчи ва ўқувчилар ўзаро фаол иштирок этадиган машғулот. Бунда жараён ўзаро ҳамкорликда кечади.

**ИНТЕРФАОЛ УСУЛ** – бу таълим берувчи ва таълим олувчи ўртасидаги фаол ҳамкорликдаги таълим усули бўлиб, унда таълим олувчи ва таълим берувчи бир-бирини тўлиқ тушунишга эришилади.

«Интер» сўзи латинча бўлиб, ўзбек тилидаги «оралиқ», «ўртаси», «ўзаро» каби маъноларни билдиради. Шу сабабли ҳам интерфаол усуллар таълим берувчи ва таълим олувчилар ўртасидаги фаоллика асосланган таълим услубияти деб ҳам аташ мумкин.

**КАСБИЙ БИЛИМДОНЛИК** – педагогик фаолият юритиш учун зарур бўлган назарий ва амалий тайёргарлик бирлиги.

**МАЛАКА** – бу шахс ҳаракатининг амалга оширилиши ва бошқарилишининг автоматлашган шаклидир. Шахсинг малакалари шу билан характерланадики, унинг ҳаракатлари осон ва тез, гуё ўз-ўзидан бажарилаётгандай бўлади. Шу туфайли ҳам бир ҳажмдаги ишни малакали ва малакасиз шахс турли муддат ва турли сифат билан бажаради. Шахсинг малакалари унинг фаолиятининг барча соҳалари учун хосдир. Фаолиятнинг бирор соҳаси учун ҳосил қилинган малака шахсинг фақат шу соҳадаги меҳнатни осонлаштирибгина қолмасдан, фаолиятнинг бошқа соҳаларидаги ҳаракатнинг ҳам тезлиги ва самарали бўлишига ижобий таъсир кўрсатади.

**ПЕДАГОГ** – тарбиячи, ўқитувчи, дарс берувчи.

**ПЕДАГОГИК ИННОВАЦИЯ (ПИ)** – бу бўлажак мутахассисларни янгича шароитларда ишлашга тайёрловчи жараён бўлиб, у олдинги эгаллаган билимлар асосида ижобий педагогик самараларни берувчи янгича ёндашув технологиясини яратиш ва жорий этишдан иборатдир. Бунда таълимнинг мақсади, мазмун-моҳияти, белгиларини, тамойилларининг инновацион усулларини танлаш, тўплаш, қўллаш усулларини ва улардан фойдаланишга услубий тавсиялар тизимини яратиш тушунилади. Булар орқали бўлажак мутахассисларда шаклландиган хислатларни ҳосил қилиш жараёнини ифодаловчи таълим-тарбия жараёнининг сифат жиҳатларини такомиллаштириб, бу соҳада юқори самарадорликка эришишни тушуниш

мумкин. Педагогик инновациялар кенг қамровли, кўп қиррали, мураккаб ва ижодий ташкилий-педагогик фаолият бўлиб, унинг ёрдамида таълим-тарбия жараёнининг истиқболли ва самарали услубиятини яратиш мумкин.

**ПЕДАГОГИК ЖАРАЁН** – таълим масалалари, унинг тараққиётини кашф қилишга қаратилган, махсус ташкил этилган педагог ва тарбияланувчиларнинг ўзаро муносабатлари.

**ПЕДАГОГИК МАҲОРАТ** - юксак даражадаги педагогик фаолиятнинг тараққий этиши, педагогик техникани мукаммал эгаллаш, шунингдек, педагог шахси, унинг тажрибаси ва касбий фаолиятдаги индивидуалликнинг ёркин кўриниши.

**ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯ** - таълим олувчининг ички имкониятлари ва ўқитувчининг инновацион тайёргарлигига таянган ҳолда ишлаб чиқилган ва таълимий мақсадга эришишни кафолатловчи ўқув-тарбия жараёнининг лойиҳаси.

**ПЕДАГОГИК ФАОЛИЯТГА ЙЎНАЛГАНЛИК** - 1) шахснинг “педагогик касбга қизиқиши ва фаолиятнинг ушбу тури билан шуғулланишга бўлган иштиёқи” (Н.В. Кузьмина); 2) болаларга бўлган муносабат, педагогик меҳнатга иштиёқ, педагогик кузатувчанлик қобилияти (В.А. Слостенин). Демак, шахснинг педагогик фаолиятга йўналганлиги унинг дунёқараши, педагогик касбга қизиқиши, у билан шуғулланишга бўлган лаёқати билан белгиланади.

**ПЕДАГОГИК ЛОЙИҲАЛАШ (ПЛ)** – яратилаётган моделни дастлабки ва якуний кўринишда ишлаб чиқиш ва уни амалий қўллаш даражасига етказишдан иборат. Педагогик фаолиятда лойиҳалаш объектлари сифатида педагогик жараён, педагогик – вазият, педагогик – тизим, бўлиши мумкин.

**РИВОЖЛАНИШ** - миқдор ўзгаришларидан сифат ўзгаришларига ўтиши, ўсиш.

**ТАНҚИДИЙ ФИКРЛАШ** – берилган фикрлар доирасидан четга чиқадиган фикрларнинг мавжудлиги; мавзуда янги ўлчовларни кўриш; муаммоларни излаш ва ечиш; шунингдек, далилланган ёзув ёки мунозара шаклида ифодаланадиган фикрлар ўртасидаги тафовут.

**ТАРБИЯ** – кенг маънода у ёки бу сифатларнинг ёки ижтимоий гуруҳларнинг мақсадларига мувофиқ одамларнинг янги авлодларига аввал авлодларнинг ижтимоий – тарихий тажрибасини узатиш воситаси билан жамиятнинг ривожланишини таъминлайди.

Тарбиялашнинг тор маъноси – ижтимоий институтлар доирасида ва таъсирида ижтимоий амалиётнинг ҳар бир доирасидаги ҳаётий фаолиятига, ижтимоий вазифаларни ва ролларни бажаришга тайёрлаш мақсадида шахсни онгли, мақсадга йўналтирилган, мунтазам шакллантириш жараёни. Тарбиялаш ижтимоийлаштиришнинг асосий ҳалқаси бўлиб, у ўқитиш билан

узвий равишда боғлиқдир ҳамда таълим тизимининг таркибий қисми ҳисобланади.

**ТАРБИЯ** – маънавий манбалар ва ҳозирги замон талаблари ва эҳтиёжларини назарда тутган ҳолда ўқитувчининг ўқувчи билан аниқ бир мақсадга қаратилган ўзаро оммавий ва назарий мулоқотидир.

**ТАЪЛИМ** – шахснинг жисмоний ва маънавий камол топиш жараёни унинг онгли равишда айрим ибратли фаолиятларга йўналиши ва тарихан майдонга келиб, ижтимоий намуна бўлишга ҳар томонлама баркамолликка интилиш жараёни тушунилади. Таълим бутун жамият ва шахслар ҳаётининг ажралмас жиҳати сифатида намоён бўлади.

**ТАЪЛИМ** – бу таълим олувчига махсус тайёрланган мутахассислар ёрдамида билим бериш ва улардаги кўникма ҳамда малакаларни шакллантириш жараёни бўлиб, у кишининг шахс сифатида ҳаётга ва меҳнатга онгли равишда тайёрлаш воситаси.

Таълимнинг бошланғич (дастлабки) вазифаси таълим олувчини ўқитишдан иборат. Шунинг билан бирга у оила, ишлаб чиқариш ва бошқа соҳаларга маълумот бериш вазифасини ҳам бажаради.

**ТРЕНИНГ** - таҳсил олувчи фаолиятига мўлжалланган таълим шакли бўлиб, назарий маълумотларни амалий машқлар орқали ўзлаштирилишини таъминлайди. У таълим берувчи томонидан ўқитишни эмас, балки таҳсил олувчи томонидан мустақил ва фаол ўрганишни кўзда тутди.

**ТЕХНОЛОГИЯ** – бу маълум бир муайян мақсадга ёки мақсадлар тизимига эришиш учун амалга ошириладиган жараёнлар кетма-кетлигидан иборат бўлган яратувчилик (пайдо этиш жараёни) фаолиятига айтилади ёки бошқача айтганда **технология** деганда манбалардаги (объектлардаги) сифат ўзгаришларга олиб келувчи жараёнга айтилади.

**ФАОЛИЯТ** – онгли руҳий фаолият билан бошқариладиган кишининг ички, ташқи фаоллиги.

**ФАОЛ ТАЪЛИМ** – таълим жараёнида тарбия берувчи ва таълим олувчиларнинг онгли ва фаол иштироки, мустақиллиги ҳамда ижодий қобилиятларини таъминловчи тизимий-педагогик жараёндан иборат. ФТ шароитида ўзлаштирилган билим ва иш ҳаракат усуллари мазмунан мукамал тизимли, мантиқан тугал ва турли ишлаб чиқариш вазиятларида қўлланишга яроқли бўлади. Бунда асосан қуйидаги таълим методлари фойдаланилади: баҳс-мунозара, фикрлашга жалб қилиш, доскада мустаҳкамлаш ёки пинборт, ишбилармонлик, ролли ўйинлар, ақлий ҳужум, китоб (манбалар) билан ишлаш, танқидий фикр, мулоқат-назорат дарси ва ҳ.к.

**ФАОЛ ЎРГАНИШ** – тадқиқ қилиш (ижод) ва ўрганишга қизиқишни (интилишни) юзага чиқарувчи фаолият ёндашуви.

**ЯНГИ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯ** – таълим мақсадларини аниқлаб, ўқув жараёни режасини тузиб, уларни жорий этиш ёрдамида таълим

самарадорлигини оширувини таъминловчи ўқув жараёнининг оптимал бошқарувини ўз ичига олган ягона тизимдир.

**ЎЗ-ЎЗИНИ АНГЛАШ** – инсоннинг ўзи ҳақидаги тасаввурлар - ҳулқ-атвори, фаолияти ва эҳтиёжларини англашида намоён бўлади.

**ЎҚИТИШНИ ИНДИВИДУАЛЛАШТИРИШ** – таълим мазмунини ўқувчи шахси, унинг индивидуал хусусиятларига мослаш.

**ЎҚИТИШ ВОСИТАЛАРИ** – маълум ўқитиш усулини муваффақиятли амалга оширмақ учун зарур бўлган ёрдамчи ўқув материаллари – асбоб, қурол, аппарат ва шу кабилардан фойдаланишдир.

Дарс жараёнида табиий ёки тасвирий кўргазмали материаллар лаборатория ёки намоёиш қисми машғулотларида қўлланиладиган қурол ва асбоблар ўқув, кино ускуналари, проекцион фонар микроскоп ва бошқа аппаратлар, шунингдек мавзуга оид бошқа ўқув материаларидан келтирилган далиллар (маълумотлар, исботлар, таъриф, қоида)нинг ишлатилишидир.

**ҲАМКОРЛИК** – таълим берувчи ва таълим олувчиларнинг ўзаро мулоқатига асосланган ижодий фаолият жараёни.

**ҲАМКОРЛИК ПЕДАГОГИКАСИ** – Таълим берувчи ва таълим олувчиларнинг ўзаро мулоқатига асосланган шаклда таълим беришга асосланган тизим.

**ШАХС** – муайян ижтимоий гуруҳ аъзоси бўлган, бирор-бир фаолият тури билан мустақил шуғуллана оладиган, атроф - муҳитга онгли муносабатда бўла оладиган, ўзига хос индивидуал ва психологик хусусият эгаси бўлган инсон.



**ДИДАКТИК ВА ТАРҚАТМА МАТЕРИАЛЛАР****1-мавзуга оид визуал материаллар**

1-слайд

**ЯНГИЛАНИШНИ, ЎЗГАРИШНИ АМАЛГА  
ЖОРИЙ ЭТИШ ЖАРАЁНИ ВА ФАОЛИЯТИ  
(ИНГЛИЗ ТИЛИДАН ОЛИНГАН –  
КИРИТИЛГАН ЯНГИЛИК, ИХТИРО).**

**ПЕДАГОГИК ЯНГИЛИКЛАР, УЛАРНИ  
БАҲОЛАШ ВА ПЕДАГОГИК ЖАМОА  
ТОМОНИДАН ЎЗЛАШТИРИШ ҲАМДА УНИ  
АМАЛИЁТГА ҚЎЛЛАШ ҲАҚИДАГИ  
ТАЪЛИМОТ.**

2-слайд

**ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТ**

*бу амалиёт ва назариянинг муҳим қисми бўлиб,  
ижтимоий-маданий объект сифатларини  
яхшилашга қаратилган ижтимоий  
субъектларнинг ҳаракат тизими, у маълум  
доирадаги муаммоларни ечиш учун мотивацион  
тайёргарликка эга бўлишдир. Ўқитувчи  
инновацион фаолиятининг марказий масаласи  
ўқув жараёнини самарали ташкил этишдир.*

3-слайд

Таълим-тарбия жараёнига янгича ёндашув асосида унинг такомиллашишига ва самарадорлигига эришишдир.

*Инновацион таълим:*

5. *Таълим-тарбияда янгича сифат кўрсаткичига эришиш.*
6. *Юқори самарадорликни қўлга киритиш.*
7. *Ижодкорликка йўналтириш ҳамда таълим технологияларини янги босқичга кўтариш.*
8. *Таълим-тарбияга янгича ёндашувни таъминлайди.*

4-слайд

### ИННОВАЦИОН САЛОҲИЯТ

*алоҳида педагогнинг ва яхлитликда педагогик жамоанинг янгиликни ўзлаштиришига тайёрлиги, улардан амалиётда фойдалана олиши ва кутилган натижаларни қўлга кирита олиши тушунилади.*

### ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТНИНГ АСОСИЙ БЕЛГИЛАРИ

Инновацион фаолият узлуксиз равишда янгиликлар асосида ишлаш бўлиб, у узок вақт давомида шаклланади ва такомиллашиб боради. Ўқитувчи инновацион фаолиятининг хусусиятларини ўрганиб чиққан педагог олимлар фикрларига таянган ҳолда, қуйидагиларни инновацион фаолиятнинг асосий белгилари деб ҳисоблаш мумкин:

- *ижодий фаолият фалсафасини эгаллашга интилиш;*
- *педагогик тадқиқот методларини эгаллаш;*
- *муаллифлик концепцияларини яратиш қобилияти;*
- *тажриба-синов ишларини режалаштириш ва амалга ошира олиш;*
- *ўзидан бошқа тадқиқотчи-педагоглар тажрибаларини қўллай олиш;*
- *ҳамкасблар билан ҳамкорлик;*
- *фикр алмашиш ва методик ёрдам кўрсата олишлик;*
- *зиддиятларнинг олдини олиш ва бартараф этиш;*
- *янгиликларни излаб топиш ва уларни ўз шароитига мослаштириб бориш.*

6-слайд

**ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТГА  
ТАЙЁРЛИГИ ҚУЙИДАГИЛАРДА КЎРИНАДИ**

ностандарт вазиятларни таҳлил этиб, тезкор  
хулосалар чиқара билишида.

ўқув-тадқиқот жараёни билан боғлиқ  
масалаларни ечиш усулларини эгаллаганлигида.

муаммоларни ҳал этишнинг мақбул восита ва  
усулларини излаб топиш, кузатиш ва тажриба  
натижаларини тизимлаштиришда.


ўз устида мустақил ишлашни режалаштира  
олишида.

ўз иши натijasини назорат ва таҳлил қила  
олишида.

янги ахборот технологияларидан фойдаланиш  
малакасининг мавжудлигида.

янги ғояларни излаб топа олиши, педагогик  
масалаларни алгоритмлаштириш малакасига  
эгаллигида.

7-слайд



8-слайд

### ИННОВАЦИОН ЖАРАЁНИ КЕЧИШИНИНГ ҚОНУНИЯТЛАРИ

5. АЁВСИЗ БЕМАРОМЛИК ҚОНУНИ.
6. АМАЛГА ОШИРИШ ҚОНУНИ
7. ҚОЛИПЛАШТИРИШ ЁКИ СТЕРЕОТИПЛАШТИРИШ ҚОНУНИ.
8. ПЕДАГОГИК ИННОВАЦИЯНИНГ ДАВРИЙ ТАКРОРЛАНИШИ ВА ҚАЙТИШИ ҚОНУНИ

9-слайд

**Аёвсиз бемаромлик қонунда педагогик жараён ва ҳодисалар тўғрисидаги яхлит тасаввурлар бузилади, педагогик онг бўлинади, педагогик янгилик баҳоланади ва у янгиликнинг аҳамияти ва қимматини кенг ёритади.**

**Ниҳоят амалга ошириш қонуни янгиликнинг ҳаётийлиги бўлиб, у эрта ё кеч, стихияли ёки онгли равишда амалга ошади.**

**Қолиплаштириш ёки стереотиплаштириш қонуни унда педагогик инновация фикрлашни бир қолипга тушириш ва амалий ҳаракатга ўтиш тенденциясига эга бўлади. Бунда педагогик қолип қолоқликка, бошқа янгиликларни амалга ошириш йўлига тўсиқ бўлишга мажбур бўлади.**

**Педагогик инновациянинг даврий такрорланиши ва қайтиши қонунининг моҳияти шундаки, унда янгилик янги шароитларда қайта тикланади.**

4-илова

**“МУНОЗАРА” МЕТОДИ**

Таълим олувчиларга муайян муаммо бўйича тўлиқ ахборотлар етказилади, мунозара учун танланган мавзу юзасидан таълим олувчилар ўз фикрларини илгари сурадилар ва пировард натижада муаммога тегишли маълумотларни атрофлича ўргандилар.

**МУНОЗАРА УЧУН  
ТАНЛАНГАН МАВЗУ  
МУТАХАССИСЛИК  
ФАНЛАРИНИ ЎҚИТИШГА  
ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВ**

## 2-мавзу бўйича визуал материаллар





## ЎҚИТУВЧИНИНГ ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТИГА ЁНДАШУВЛАР

Гуманистик аксиология - аксиологияга инсонга олий қадрият ва ижтимоий тараққиётнинг бирдан – бир мақсади сифатида қарайди. Инновацион фаолиятга аксиологик ёндошув инсоннинг ўзини янгилик яратиш жараёнига бахшида қилиши, унинг томонидан яратилган педагогик қадриятлар мажмуасини англатади.

Акмеологик ёндошув - акмеология (*акме*) – юнонча олий нуқта, ўткир, гуллаган етук, энг яхши давр деган маъноларни билдиради.

Креатив ёндошув – термини АҚШда XX асрнинг 60-йилларда пайдо бўлди. У индивиднинг янги тушунча яратиши ва янги кўникмалар ҳосил қилиш қобилияти, ҳислатилини билдиради.

Рефлексив ёндошув – (лотинча *reflexio* - ортга қайтиш) субъектнинг ўз (ички) психик туйғу ва ҳолатларини билиш жараёни сифатида қаралади.

**ТАЪЛИМГА АНЪАНАВИЙ ВА  
ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВЛАРНИ  
ҚИЁСЛАШ**

№	АНЪАНАВИЙ ЁНДАШУВ	НОАНЪАНАВИЙ ЁНДАШУВ
1	Асосий эътибор ўқитиш мазмунига қаратилган.	Асосий эътибор ўқитишни мазмунига ва жараёнига қаратилган.
2	Таълим берувчи-бошқарувчи. Таълим оловчи-етақланувчи	Таълим оловчи ўқув жараёнида фаол қатнашади.
3	Ўқув мақсадлари аниқ эмас.	Ўқув мақсадлари музокарада аниқланиб, кутилаётган натижа орқали акс эттирилади.
4	Таълим берувчи билимларни монолог орқали етказади.	Таълим берувчи билиш жараёнида қатнашади ва диалог, полилогларни қўллади.
5	Таълим оловчи билимни пассив ҳолатда қабул қилади.	Таълим оловчилар билимларни фаол қабул қилади ва ўзлаштиради.
6	Таълим берувчи тўғри жавобни формал ҳолатда талаб қилади.	Таълим берувчи саволга турли хил жавобларни рағбатлантиради.
7	Машғулотларнинг “дастурланганлиги” ва қатъий тузилмаси	Машғулотлар таълим оловчиларнинг талабларига қараб ташкил этилади.
8	Таълим берувчи фаолияти асосан авторитар.	Таълим берувчининг бошқариш усули рағбатлантирувчи, демократик
9	Асосий эътибор назарияга қаратилган.	Эътибор назарияга қаратилган, ammo асосий қисми амалиётга қаратилган.
10	Фаолиятнинг етарли бўлмаган продуктив барқарор стереотиплари	Қўлланилаётган педагогик усулнинг турли-туманлиги

## АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 1992.
2. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз, 8-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2000.
3. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: Маънавият, –Т.: 2008.-176 б.
4. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида. -Т.: Ўзбекистон, –Т.: 2011.-440 б.
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16-февралдаги “Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларни малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 25-сонли қарори.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилиш чоратадбирлари тўғрисидаги” ПҚ-1533-сон қарори.
7. Азизходжаева Н.Н. Педагогик технология ва педагогик маҳорат. Чўлпон, 2005. 213 б.
8. Исянов Р.Г. Олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларини малакасини ошириш технологиялари. -Т.: Фан. 2011. 189 б.
9. Ишмухаммедов Р.Ж. Инновацион технологиялар ёрдамида ўқитиш самарадорлигини ошириш йўллари. –Т.: 2000. 161 б.
10. Ишмухаммедов Р. Таълимда инновация. – Т.: Фан, 2010.
11. Ишмухаммедов Р. Тарбияда инновацион технологиялар – Т.: Фан, 2010.
12. Толипов Ў., Усмонбоева М. Педагогик технологияларнинг тадбиқий асослари. –Т.: 2006.
13. Очилов М. Янги педагогик технологиялар. - Қарши.: Насаф, 2000.
14. Фарберман Б. Илғор педагогик технологиялар - Т., 2001.

15. Йўлдошев Ж.Ғ., Усмонова С.А. Педагогик технологиялар асослари. - Т., 2004.
16. Мирсолиева М.Т. Педагогика коллежларида ўқув-тарбия жараёнини модернизациялаш. -Т.: ТДПУ, 2010.
17. Унт Инге. Индивидуализация и дифференциация обучения. -М.: Педагогика, 1990.
18. Шаталов В.Ф. Педагогическая проза. – М.: Педагогика, 1980.
19. Ш.Шодмонова ва бошқалар. Педагогик технологиялар. Т., 2011